

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 658.012.12(575.11)

Абдурахмонов Абдуҳаёт Абдуҳакимович

**ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ-
ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ
МАСАЛАЛАРИ**

(Бўка пахта тозалаш корхонаси мисолида)

Ихтисослик : 5А 230902 – «Аудит»

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
и.ф.д., проф Б.А.Хасанов

«__» _____ 2014 й.

Тошкент- 2014

Магистрлик диссертацияси ғазначилик шароитида бюджет ташкилотларида харажатлар ҳисоби ва ички назоратини такомиллаштириш масалаларига бағишланган. Унда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, дастлабки ва аналитик ҳисобини юритиш, контракт маблағлари ва ривожлантириш жамғармаси харажатларини ҳисобга олиш, молиявий назоратни амалга ошириш, хусусан ички назоратни ташкил этиш, бюджетдан ташқари маблағлар ички назоратини ташкиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Master's thesis is devoted to the improvement of accounting and internal control expenditures in government organizations in terms of the treasury. The paper discusses the organization of accounting, maintenance of primary and consolidation, especially taking into account contractual, extra-budgetary funds of the fund development and use. In addition, highlights the organization of financial control, in particular the internal control extrabudgetary funds and other operations budget organizations.

Магистрлик диссертацияси «Иқтисодий таҳлил ва аудит кафедраси»да дастлабки ҳимоядан ўтган. _____-сонли баённома. «__»_____2014 йил

Илмий раҳбар: и.ф.д.,проф.Хасанов Б.А. _____
ИМЗО сана

Магистратура талабаси: Абдурахмонов О.А. _____
ИМЗО сана

«Ҳимояга тавсия қилинади»

«Иқтисодий таҳлил ва аудит кафедраси» мудири,
 проф.Хасанов Б.А. _____ «__»_____2014 йил

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
I БОБ.э ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИ МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ-НИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	8
1.1. Пахта тозалаш корхоналари молиявий-хўжалик фаолияти комплекс иқтисодий таҳлилининг мақсади ва вазифалари.....	8
1.2. Пахта тозалаш корхоналари молиявий-хўжалик фаолияти комплекс иқтисодий таҳлилининг ахбарот манбалари.....	12
1.3. Молиявий-хўжалик фаолиятни комплекс иқтисодий таҳлилининг ички хўжалик резервларини аниқлашдаги роли.....	15
I боб бўйича хулоса	
II БОБ. ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИ ДАРОМАД, ХАРАЖАТ ВА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.....	18
2.1. Бўка пахта тозалаш корхонасида даромад ва харажатларни комплекс таҳлили.....	18
2.2. Бўка пахта тозалаш корхонасида молиявий натижаларни таҳлили...	26
2.3. Даромадлилиқ ва баланс активи, хусусий капитал ва қарз капитали, сотишдан кўрилган ва харажат рентабелликларини комплекс иқтисодий таҳлили.....	32
II боб бўйича хулоса	
III БОБ. ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИ МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	38
3.1. Пахта тозалаш корхоналари тўловга қодирлиги, молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичларини баҳолаш ва уларни таҳлил этиш масалалари.....	38
3.2. Молиявий барқарорлиқнинг мутлақ кўрсаткичларини таҳлили.....	49
3.3. Пахта тозалаш корхоналари молиявий - хўжалик фаолиятида ликвидлик кўрсаткичлари, молиявий самарадорликни комплекс таҳлилини такомиллаштириш.....	53
III боб бўйича хулоса	
Хулоса	63
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	67
Иловалар.....	73

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг асосий йўналишларидан бири—бу бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳисобланади. Муҳтарам Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, «...Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаётгани энг муҳим хомашё ва экспортбоп маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини берди. Энг муҳими, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга замин туғдирди, керак бўлса, уларни чет мамлакатларга экспорт қилишга имкон бермоқда... Ўтган 2013 йилда миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати билан мисли кўрилмаган натижаларга эришилди — 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот етиштирилди. Мамлакатимизнинг улкан хирмониға 3 миллион 360 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси етказиб берилди...»¹.

Пахта тозалаш корхоналари молиявий — хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади

Муҳтарам Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, “ Маҳсулот рақобатдошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш бўйича катта ва кичик лойиҳаларни излаш, бунинг учун зарур маблағ ва манбаларни топиш — бу ҳар бир корхона раҳбари ва муҳандис-техник ходимларининг биринчи навбатдаги энг муҳим вазифаси ва мажбурияти бўлмоғи керак”².

¹ Каримов И.А. «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» номли Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси, 2014 й., 18 январ.

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Тошкент: Ўзбекистон, 2009. - 15 б.

Тадқиқот объекти сифатида «Ўзпахтасаноат» уюшмаси таркибидаги “Бўка пахта тозалаш корхонаси” молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқот предмети. Пахта тозалаш корхоналари молиявий-хўжалик фаолият таҳлилини такомиллаштириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади. Пахта тозалаш корхоналарида молиявий-хўжалик фаолиятини комплекс таҳлил қилишни такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Диссертация ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- пахта тозалаш корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини комплекс таҳлили тушунчасини аниқлаштириш учун мавжуд талқинларни умумлаштириш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;

- пахта тозалаш корхоналари молиявий-хўжалик фаолиятини комплекс тизимидаги таҳлилий амалларнинг бошқарув қарорларини қабул қилиш самарадорлигига таъсири даражасини аниқлаш;

- молиявий-хўжалик фаолият ва уни таҳлил қилиш ахборот базасини тизимлаштириш ва унинг назорат-таҳлилий имкониятларини баҳолаш;

- таҳлилни ўтказишнинг ташкилий-услубий хусусиятларини аниқлаш ва умумлаштириш;

- молиявий ҳолатни таҳлил қилишнинг услубий хусусиятларини аниқлаш ва иқтисодий-математик усуллардан фойдаланиб молиявий ҳолатнинг нисбий коэффициентларини прогнозлаш услубини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Пахта тозалаш корхоналарининг молиявий - хўжалик фаолиятини комплекс таҳлил қилиш тадқиқотнинг асосий масаласи ҳисобланади. Изланишлар натижасида эришган ютуқлар илмий фаразлар бўлиб ҳисобланади.

Қисқача адабиётлар таҳлили. Муҳтарам Президентимиз маърузалари, диссертация мавзусига оид барча ўқув, илмий, услубий адабиётлар илмий жиҳатдан ўрганилиб, таҳлил қилиниб фойдаланилди.

Ҳозирги пайтда корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилини такомиллаштириш назарий ва амалий муаммоларига В.Г. Артеменко, М.И. Баканов, И.Т. Балабанов, И.А. Белобжецкий, Мизиковский, А.Д. Шеремет, Р.С. Сайфулин, В.Ф. Палий каби россиялик олимларнинг ҳамда республикаимиз иқтисодчи олимларидан: Э.А. Акрамов, И.Т. Абдукаримов, А.В. Ваҳабов, Н.Ю. Жўраев, А.К. Ибрагимов, М.К. Пардаев, А.Х. Пардаев, М. Рахимов, А. Тўйчиев, Б.А. Хасанов, А.Х. Шоалимов ва бошқаларнинг ишлари бағишланган. Бироқ мазкур тадқиқотларда молиявий-хўжалик фаолият комплекс таҳлили ва унинг даражасини ошириш бўйича тавсиялар етарлича ишланмаган. Молиявий-хўжалик фаолият комплекс таҳлили фикримизча, воқеаларнинг ривожланиши йўналишларини аниқлашга имкон беради, ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижалари ва уни амалга оширишга сарф-харажатлар ўртасида қарор топадиган салбий таъсирни камайтириш ёки бартараф этиш учун асосланган бошқарув қарорларини қабул қилишга олиб келади.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Илмий-тадқиқот жараёнида солиштириш, гуруҳлаш, занжирли алмаштириш, қиймат таҳлили, мутлақ фарқлаш, иқтисодий-математик ҳамда статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда тадқиқ этилган назарий, услубий ва амалий масалалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида молиявий ҳолатнинг таҳлили мавжуд услубий ёндашувларидан фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртларида “Иқтисодий таҳлил назарияси”, “Молиявий ва бошқарув таҳлили” ўқитишда фойдаланиш

мумкин. Молиявий салохиятни аниқлашда таҳлил усулларида фойдаланиш корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига тўғри баҳо бериш, фойдани ошириш ва рентабелликни кўтариш бўйича мавжуд ички хўжалик имкониятларини аниқлаш орқали уларнинг молиявий ҳолати салохияти таъминлашга имкон беради.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертациянинг илмий хулоса ва амалий тавсиялари, пахта тозалаш корхоналари молиявий салохият таҳлилини такомиллаштириш бўйича фойдаланиш учун қабул қилинган.

Шунингдек, илмий ишдаги назарий аҳамиятга молик таклиф ва тавсияларни Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўқув жараёнига тадбиқ этиш учун берилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- пахта тозалаш корхоналари молиявий-хўжалик фаолияти комплекс таҳлилини такомиллаштириш ахборот базасини шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

- молиявий ҳолатни таҳлил қилиш усуллари ва услублари тавсия этилди;

- корхоналар молиявий салохияти таҳлил қилишда таҳлилий коэффициентларни прогнозлаш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилди;

Илмий янгилиги пахта тозалаш корхоналари молиявий-хўжалик фаолияти комплекс таҳлилини такомиллаштириш бўйича назарий ва ташкилий-услубий муаммоларини ҳал қилишдан иборат бўлиб, улар хўжалик юритувчи субъектларнинг жорий фаолияти ва молиявий салохияти бошқаришда муҳим роль ўйнайди.

Тадқиқот жараёнида қўйидаги натижалар олинди:

- “молиявий таҳлил” тоифаси бўйича мавжуд талқинларни танқидий таҳлил қилиш асосида корхона хусусиятларини ҳисобга олиб унинг мазмун-моҳиятига аниқлик киритилди;

- иқтисодий жараёнларнинг иқтисодий моҳияти, мантиқи ва ўзаро

алоқаларини акс эттирувчи молиявий ҳолатни таҳлилини ташкил қилишнинг босқичлари белгилаб берилди;

- молиявий-хўжалик фаолияти комплекс таҳлил тизимидаги ўрни ва роли асослаб берилди, бу эса ҳозирги шароитда бошқарув вазифаларини бажариш имконини беради;

- молиявий ресурслардан фойдаланиш динамикаси, тузилмаси ва самарадорлиги кўрсаткичларини комплекс таҳлил қилишнинг ташкилий-услубий қоидалари ишлаб чиқилди;

- молиявий ҳолатни прогнозли баҳолаш услуби таклиф этилди;

- омилли боғлиқлик моделларидан фойдаланган ҳолда ички ва ташқи омилларнинг молиявий барқарорликка таъсири аниқланди;

- корхоналарда ички хизматини ташкил қилишнинг ташкилий-услубий асослари ишлаб чиқилди;

- молиявий-хўжалик фаолияти комплекс таҳлилининг ташкилий босқичлари асослаб берилди ва унинг тартиблари таклиф этилди;

- молиявий-хўжалик фаолияти комплекс таҳлил амалларидан фойдаланиш таклиф этилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган ҳамда 5 та расм ва 19 та жадвалдан иборат бўлиб, 80бетни ташкил этади.

Тадқиқот ишининг I бобиэ пахта тозалаш корхоналари молиявий-хўжалик фаолиятини комплекс таҳлил қилишнинг назарий асослари; II боби пахта тозалаш корхоналари даромад, харажат ва молиявий натижаларни комплекс таҳлилини ташкил қилиш; III боби пахта тозалаш корхоналари молиявий- хўжалик фаолиятининг комплекс таҳлилини такомиллаштиришга қаратилган.

I-БОБ. ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИ МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Пахта тозалаш корхоналари молиявий-хўжалик фаолияти комплекс иқтисодий таҳлилининг мақсади ва вазифалари

Бугунги кунда пахта тозалаш корхоналари молиявий-хўжалик фаолияти комплекс иқтисодий таҳлилининг ишлаб чиқаришни бошқариш элементи, фаолиятни бошқариш босқичидир. У бошқарув тизимида бир қанча функцияларни бажаради. Молиявий-хўжалик фаолият таҳлили орқали пахта тозалаш корхоналари молиявий - хўжалик фаолияти комплекс таҳлилининг моҳияти англанади ва унга баҳо берилади, ишлаб чиқаришнинг резервлари аниқланади ва режалаштириш ҳамда бошқарувнинг илмий жиҳатдан асосланган қарорлари тайёрланади. Бошқарув тизимидаги комплекс иқтисодий таҳлилнинг кўп қиррали функцияси унинг мақсад ва вазифаларида намоён бўлади. Бошқарув мақсадидаги хўжалик фаолиятини комплекс иқтисодий таҳлил этишнинг методик жиҳатдан ташкилий босқичлари қуйидагилардан иборат;

- комплекс иқтисодий таҳлилнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;
- қўйилган мақсадларга эришиш учун кўрсаткичлар йиғиндисининг асосланганлигини ҳар томонлама таҳлил этиш;
- комплекс иқтисодий таҳлил ўтказиш босқичларини белгилаш;
- комплекс иқтисодий таҳлил ўтказиш муддатларини белгилаш;
- таҳлилни ташкил этиш босқичларини ишлаб чиқиш ва хиз-мат бўлимлари бўйича вазифаларнинг тақсимланиши;
- таҳлил натижаларини расмийлаштириш ва уларни баҳолаш;
- аналитик ишнинг меҳнат сиғимини баҳолаш, таҳлилнинг самарали натижаларини жамлаш.

Пахта тозалаш корхоналари молиявий-хўжалик фаолияти комплекс иқтисодий таҳлилининг мақсад ва вазифаси аввало корхонани ички хўжалик

муаммоларини ечишга, яъни фаолият натижавийлиги ҳамда унинг иқтисодий потенциалини ташкил этувчи ресурслар, капиталдан фойдаланиш даромади ва акционерларнинг акциядан оладиган даромадларини оширишга қаратилган.

Бошқарув таҳлилининг асосий мақсади ресурслар, баланс ак-тиви, компаниянинг рентабеллик билан ишлаши ва корхона молия-вий ҳолати барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Пахта тозалаш корхоналари молиявий - хўжалик фаолияти комплекс таҳлилининг ўзига хос айрим хусусиятлари:

- таҳлил натижалари корхонанинг ўз мақсадлари ва манфаатларига хизмат қилади;
- таҳлил ўтказишда барча турдаги манбалардан, шу жумладан, ишлаб чиқариш ҳисоби маълумотларидан ҳам кенг фойдаланилади;
- таҳлил ўтказиш давлат бошқарув органлари томонидан чекланмаган;
- таҳлил комплекс тарзда, корхона фаолиятидаги барча жиҳатлар бири бири билан узвий боғланган ҳолда амалга оширилади;
- таҳлил натижалари сир сақланади.

Пахта тозалаш корхоналари молиявий - хўжалик фаолияти комплекс таҳлилининг асосий вазифалари:

- 1) кўрсаткичларни базис давридан фарқланишига ижобий ва салбий таъсир этувчи омилларни ўрганиш;
- 2) хўжалик фаолияти самарадорлигини объектив равишда баҳолаш;
- 3) бизнес-режанинг илмий жиҳатдан асосланганлиги, унинг бажарилишини назорат қилиш;
- 4) маҳсулот ҳажмини ошириш, унинг таннархининг пасайтириш бўйича фойдаланилмаган ички хўжалик резервларини аниқ-лаш, ўтказилган синов натижаларини атрофлича ўрганиш ва уларни умумлаштириш.

Пахта тозалаш корхоналари молиявий - хўжалик фаолияти комплекс таҳлилининг асосий йўналишлари:

- 1) операцион фаолиятнинг комплекс иқтисодий таҳлили;

- 2) молиявий фаолиятнинг комплекс иқтисодий таҳлили;
- 3) инвестиция фаолиятининг комплекс иқтисодий таҳлили;
- 4) инновация фаолиятининг комплекс иқтисодий таҳлили

Операцион фаолиятнинг комплекс иқтисодий таҳлили корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти, яъни жорий ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга: ресурсларни харид этиш ва маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишга қаратилган.

Молиявий фаолиятнинг комплекс иқтисодий таҳлили – молиялаштириш масалалари, корхонанинг молиявий (жорий ва истиқболли) ҳолати ва унинг барча молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашга қаратилган.

Инвестиция фаолиятининг комплекс иқтисодий таҳлили – қисқа муддатли ва узоқ муддатли инвестицияларга бўлган эҳтиёж, уларнинг мақсадли сарфланиши, даромад келтириши ва хавфсизлигини объектив равишда баҳолашга қаратилган.

Пахта тозалаш корхонасининг махсус усуллари орқали хўжалик фаолияти натижаларини комплекс баҳолаш мақсадида эксперт-аналитик томонидан танланган (K_j) дастлабки базис даври кўрсаткичларини ўсиш суръатлари коэффиценти баҳоланади, тадқиқот ўтказилаётган хўжалик жараёнлари сифат жиҳатдан моҳияти тўлиқ очиб берилади. Комплекс баҳолаш қуйидаги формулалар асосида аниқланади:

$$K_j = \sum w; \quad (1)$$

$$K_j = \frac{\sum w}{n}; \quad (2)$$

$$K_j = w_1 * w_2 * \dots * w_n = \prod_p w \quad (3)$$

$$K_j = \sqrt[n]{\prod_p w}; \quad (4)$$

$$K_j \text{ (масофа усули)} = \sqrt{\sum_{j=1}^n K3(w_{ii} - w_{i_{\max}})^2}; \quad (5)$$

Бунда:

K_j – корхонанинг ҳар бир бўлими, жами кўрсаткичларини комплекс баҳолаш;

i – бўлим фаолиятини комплекс баҳолашда эксперт томонидан олинган ҳар бир кўрсаткич номи;

w_{ii} – комплекс баҳолашдаги ўсиш (пасайиш) суръатлари коэффиценти;

1.1-жадвал.

Пахта тозалаш корхоналари молиявий-хўжалик фаолияти комплекс иқтисодий таҳлилининг пахта тозалаш пунктлари фаолиятини ўртача геометрик ва масофа усуллари орқали комплекс баҳолаш

Т №	Кўрсаткичлар	Корхона ҳудудий пунктлари			Х тах	Кўрсаткичлар коэффицентининг ўрни
		N_1	N_2	N_3		
	А	1	2	3	4	5
1	Меҳнат унумдорлигининг ўсиш коэффиценти	1,05	1,03	1,04	1,05	2
2	Фонд қайтимининг ўсиш коэффиценти	1,03	1,06	1,05	1,06	1,5
3	Материал қайтими-нинг ўсиш коэффиценти	1,04	1,02	1,01	1,04	2,5
4	Маҳсулот сотишдан кўрилган рентабелликни ўсиш коэффиценти	1,02	1,08	1,06	1,08	3
5	“Ўртача геометрик” усул бўйича комплекс баҳолаш $K_j = \sqrt[n]{\text{Пр}w}$	1,035	1,097	1,040	-	-
6	Рейтинг бўйича эгаллаган ўрин	3	2	1	-	-
7	Филиаллар фаолияти натижаларини “масофа” усули орқали комплекс баҳолаш $K_j (\text{масофа усули}) = \sqrt[n]{\sum_{j=1}^n K3(w_{ii} - w_{i \max})^2}$;	0,0406	0,1060	0,0264	-	-
8	Рейтинг бўйича эгаллаган ўрин	2	1	3	-	-

$K3$ – комплекс баҳолашдаги тўртта кўрсаткичнинг ҳар коэффицентининг натижаси;

$w_{j \max}$ – бўлинманинг i -кўрсаткичининг максимал ифодаси;

P_{pw} – кўрсаткичларнинг ўсиш коэффициентларининг кўпайтмаси;

n – комплекс баҳолаш коэффициентини ҳисоблашдаги кўрсаткичлар сони.

K_j ни “масофа усули” орқали аниқланиши

1-филиал:

$$K_{j1} = \sqrt{2(1,05-1,05)^2 + (1,03-1,06)^2 + 2,5(1,04-1,04)^2 + 3(1,02-1,08)^2} = \\ = \sqrt{0 + 0,00135 + 0 + 0,0003} = \sqrt{0,00165} = 0,0406$$

2-филиал:

$$K_{j2} = \sqrt{2(1,03-1,05)^2 + 1,5(1,06-1,06)^2 + 2,5(1,02-1,04)^2 + 3(1,08-1,03)^2} = \\ = \sqrt{0,0035 + 0 + 0,001 + 0,00138 + 0,0075} = \sqrt{0,01123} = 0,1060$$

3-филиал:

$$K_{j3} = \sqrt{2(1,04-1,05)^2 + 1,5(1,05-1,06)^2 + 2,5(1,01-1,04)^2 + 3(1,06-1,08)^2} = \\ = \sqrt{0,0002 + 0 + 0,00015 + 0,000225 + 0,00012} = \sqrt{0,000695} = 0,0264$$

1.1-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, Пахта тозалаш корхоналари ҳудудий туман филиаллари фаолиятини *икки* усулда комплекс баҳолаш натижалари бир хил эмас. Чунки **“ўртача геометрик”** ва **“масофа”** усуллари мазмунан бир-биридан фарқ этади. Биринчи усул орқали корхона фао-лиятини комплекс баҳолаш натижалари 2-филиал да юқори (K_j -1,097); иккинчи усул – “масофа” усули натижасига кўра 2-филиал ($K_j=0,1060$) юқори натижага эга.

1.2. Пахта тозалаш корхоналари молиявий-хўжалик фаолияти комплекс иқтисодий таҳлилининг ахборот манбалари

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган туб иқтисодий ислохотлар ўз самарасини бермоқда десак муболаға бўлмайди албатта. Чуқур ва аниқ, объектив таҳлилий хулосаларга бир қанча турдаги ахборот манбаларига ишлов бериш орқали эришилади. Пахта тозалаш корхоналари

молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили учун ички ахборот манбалари муҳим аҳамиятга эга.

Улар таркибига қуйидагилар киради:

- таъсис ҳужжатлари;
- асосий воситалар ва оборот маблағлар таркиби, уларнинг қиймати, хўжалик операциялари ҳамда корхонанинг даромад ва харажатларини ўзида ифода этувчи дастлабки ҳужжатлар;
- техник лойиҳаларга оид ҳужжатлар;
- инвесторлар, мол етказиб берувчилар, харидорлар, қарздорлар, эмитентлар ўртасида бўладиган муносабатларни ифодаловчи юридик ҳужжатлар;
- бухгалтерия ҳисобининг аналитик маълумотлари;
- тезкор ва статистик ҳисоб маълумотлари;
- бухгалтерия ҳисоботи;
- назорат органларининг далолатномалари, аудитор ва солиқ инспекциялари томонидан ўтказилган текширув хулосалари, тижорат банкларининг далолатномаси;
- меъёрий ҳужжатлар;
- бизнес-режа ва ҳ.к.

Бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш учун қуйидаги ташқи манбалардан ҳам фойдаланилади:

- давлатнинг иқтисодий соҳадаги сиёсатини ифодаловчи сиёсий характердаги манбалар, масалан, тижорат фаолияти билан шуғулланувчилар учун солиқ юкини пасайтириш орқали рағбатлантириш ёки айрим турдаги фаолиятларни чеклашларни келтириш мумкин;
- айрим турдаги товарлар, хизматларга бўлган талаб ва эҳтиёжлар, кредит ставкалари фоизи, чет эл валюта курсини ўзгариши, айрим компания ва тижорат банклари рейтинги тўғрисидаги маълумотлар;
- мол етказиб берувчилар, харидорлар, инвесторлар, кредиторларнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотлар;

– раҳбар лавозимдаги юридик шахсларнинг ишбилармонлик ва шахсий сифат кўрсаткичларини ифодаловчи маълумотлар;

– газета, журнал, биржа бюллетенлари, телевидение ва радио, интернет маълумотлари ва ҳ.к.

Пахта тозалаш корхоналари молиявий-хўжалик фаолияти комплекс иқтисодий таҳлилининг манбалари гуруҳларга ажратилади, ҳисоботларда акс этган маълумотлар ҳар томонлама чуқур текширувдан ўтказилиб, сўнг маълумотларга аналитик ишловлар берилади.

1.3. Молиявий-хўжалик фаолият комплекс иқтисодий таҳлилининг ички хўжалик резервларини аниқлашдаги роли

Пахта тозалаш корхоналари молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилининг асосий вазифаларидан бири ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш резервларини аниқлаш ва улардан мақсадга мувофиқ фойдаланишни ташкил этади. Резервларни аниқлаш механизми корхонанинг аниқ шартшароити ва олдига қўйган вазифаларига таянади. Унинг умумий тузилиши қуйидагича:

1. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги бош бўғин аниқланади. Уларга сарф-харажатларни киритиш мумкин, чунки маҳсулот таннархида уларнинг улуши юқори. Сарф-харажатларни қисқартириш туфайли катта иқтисодий самарага эришилади.

2. Ишлаб чиқаришнинг “тор томонлари” аниқланади, улар ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини оширишга, таннархни пасайтиришга имкон бермайди.

3. Ишлаб чиқариш типи ҳисобга олинади. Масалан, кенг қўламли ишлаб чиқаришда резервларни белгиланган кетма-кетликда аниқлаш тавсия этилади: маҳсулот, узел, детал, операция жараёни; якка тартибдаги ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш циклининг ай-рим операциялари бўйича аниқланади.

4. Резервлар маҳсулотни ҳаёт циклини барча босқичлари ёки объектлари (лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш, сотиш) бўйича аниқланади.

5. Моддий ресурслардан иқтисод, яъни мавжуд меҳнат, ускуналардан фойдаланишда эришган тақдирдагина резерв комплект деб ҳисобланади.

Амалиётида резерв икки хил маъно, тушунчага эга.

Биринчи тушунча – вақтинчалик ишлатилмай турган моддий-буюмлашган ресурсларга айтилади, масалан, захирадаги хом ашё, материаллар, ёқилғи, яримфабрикатлар, захирадаги (ўрнатил-маган) ускуналар ва ҳ.к. Бу захиралар моддий-техник таъминотдаги узилишлар, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши, маҳсулот ассорти-ментининг ўзгариши, материаллардан фойдаланишда нормага нис-батан ортиқча сарфга йўл қўйилган ҳолларда ишлатилади.

Иккинчи тушунча – ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда фойдаланилмаган имкониятларни англатади. Бундай резервларни аниқлаш хўжалик фаолиятининг комплекс иқтисодий таҳлилининг асосий вазифасидир.

Хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш резервларини туркумлаш

Резервлар³ – хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишдаги ишга солинмаган имкониятлар – қуйидаги белгиларига кўра туркумланади:

1) ресурс турлари бўйича:

- меҳнат ресурслари;
- меҳнат воситалари;
- меҳнат предметлари.

Ҳар бир ресурсларга тури бўйича экстенсив ва интенсив резервлар таъсири аниқланади. Масалан, иш вақти йўқотилишини бартараф этиш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш экстенсив йўл, вақт бирлиги ичида ишчининг яратган маҳсулотини ортиши эса интенсив йўл ҳисобланади;

2) такрор ишлаб чиқариш жараёнининг босқичлари бўйича: таъминот, ишлаб чиқариш ва маҳсулотнинг сотиш бўйича резервлари;

3) маҳсулотни ҳаёт цикли босқичлари бўйича:

³ Т.Ш. Шоғиёсов. «Комплекс иқтисодий таҳлил» Тошкент «IQTISOD-MOLIYA» 2009 й.

- ишлаб чиқаришнинг дастлабки босқичи (ишлаб чиқариш учун конструкторлик ва технологик жиҳатдан тайёргарлиги);

- ишлаб чиқариш босқичи (янги маҳсулот турларини ўзлаштириш, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва маҳсулотни ишлаб чиқариш);

- эксплуатация босқичи (кафолат ва кафолатдан кейинги давр);

4) хўжаликни юритиш самарадорлиги кўрсаткичлари бўйича резервлар:

- ишлаб чиқаришни ошириш;
- маҳсулот ассортименти ва сифатини яхшилаш;
- меҳнат унумдорлигини ошириш;
- материал сиғими ва маҳсулот фонд сиғимини пасайтириш;
- ишлаб чиқариш циклини қисқартириш;
- асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхши-лаш;
- маҳсулот таннархини пасайтириш ва фойдани ошириш;

5) резервлардан фойдаланиш муддатлари бўйича – жорий ва истиқболли резервларга бўлинади. Жорий резервлар жорий йилда фойдаланиш учун мўлжалланган резервлардир. Жорий резервлардан фойдаланиш учун хўжаликни юритишни тубдан яхшилаш, аниқ кўзга кўринган йўқотишлар ва унумсиз харажатларни бартараф этмоқ лозим. Комплект (жами ёки умумлашган) жорий резервларни аниқлаш учун ҳар бир ресурс бўйича алоҳида, яъни меҳнат ресурслари, меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари бўйича резервлар ҳисоб-китобини қилиш керак.

I боб бўйича хулоса

Тадқиқот ишининг I бобиё пахта тозалаш корхоналари молиявий-хўжалик фаолиятини комплекс таҳлил қилишнинг назарий асослари деб номланиб унинг таркибига: 1.1. пахта тозалаш корхоналари молиявий-хўжалик фаолияти комплекс иқтисодий таҳлилининг мақсади ва вазифалари; 1.2. пахта тозалаш корхоналари молиявий-хўжалик фаолияти комплекс

иқтисодий таҳлилининг ахбарот манбалари; 1.3. молиявий-хўжалик фаолиятни комплекс иқтисодий таҳлилининг ички хўжалик резервларини аниқлашдаги роли деб номланади.

Пахта тозалаш корхоналари молиявий - хўжалик фаолиятини комплекс таҳлил қилишнинг назарий асосларини англаб йитиш биринчи навбатда муҳим аҳамиятга эгадир. Корхоналари молиявий-хўжалик фаолияти комплекс иқтисодий таҳлилининг мақсади ва вазифаларини англаш муҳим аҳамиятга эгадир, шунинг билан бир қаторда пахта тозалаш корхоналари молиявий-хўжалик фаолияти комплекс иқтисодий таҳлилининг ахбарот манбаларини тўғри олиб бориш, молиявий-хўжалик фаолиятни комплекс иқтисодий таҳлилининг ички хўжалик резервларини аниқлашдаги роли ошириш муҳим долзарб масала ҳисобланада.

2-БОБ. ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИ ДАРОМАД, ХАРАЖАТ ВА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

2.1. Бўка пахта тозалаш корхонасида даромад ва харажатларни комплекс таҳлили

Пахта тозалаш корхоналари даромад ва харажатларини комплекс таҳлил этишдан асосий мақсад, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати, унинг даромад, харажат, фойда ва зарарлари таркибидаги структуравий ўзгаришлар тўғрисида аниқ ва ишончли маълумотларга эга бўлишдан иборат.

Пахта тозалаш корхоналари молиявий-хўжалик фаолияти комплекс иқтисодий таҳлил этувчини асосан корхонанинг жорий йилдаги молиявий ҳолати, яқин йилларга мўлжалланган режаси ҳамда узоқ муддатларга мўлжалланган корхонанинг молиявий ҳолатини ифодаловчи параметрлари кўпроқ қизиқтиради.

Даромад ва харажатлар таҳлили учун маълумотлар 2-шакл “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”да акс этади. Ўтган йил ва ҳисобот йилларига тегишли барча даромад ва харажатлар бу молиявий ҳисобот шаклида ифодаланган.

2-шакл маълумотлари асосида динамика тарзида даромад ва харажатлар таркиби, структураси, уларнинг ўтган йилларга нисбатан ўзгариши ҳамда даромадлардан самарали фойдаланиш, харажатларнинг мақсадга мувофиқ йўналиши таҳлил этилади.

Пахта тозалаш корхоналарининг молиявий-хўжалик фаолият фаоллигини ошириш учун зарур чораларни ишлаб чиқиши керак.

Корхона даромади таркибидаги ўзгаришларнинг таҳлили натижалари шуни кўрсатадики, хўжалик юритувчи субъект даромадларини янада ошириш имкониятига эга.

Бўка пахта тозалаш корхонаси даромадининг таркиби, тузилиши ва динамикасининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йил		Ҳисобот йили		Ўзгариши (+,-)	
	сумма, млн. сўм	жамига нисбатан, %	сумма, млн. сўм	жамига нисбатан, %	млн. сўм (гр3-гр1)	улуши (гр4-гр2)
А	1	2	3	4	5	6
Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан келган тушум	4547,8	89,53	6548,9	94,10	+2001,1	+4,57
Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлар	279,5	5,50	221,2	3,18	-58,3	-2,32
Олинган дивидендлар	0,2	-	3,8	0,05	+3,6	+0,05
Олинган фоизлар	5,7	0,11	7,2	0,10	+1,5	-0,01
Валюта курси фарқидан кўрилган даромад	139,6	2,75	90,3	1,30	-49,3	-1,45
Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар	105,5	2,08	88,5	1,27	-17,0	-0,81
Фавқулодда даромад	1,6	0,03	-	-	-1,6	-0,03
Жами даромадлар	5079,9	100	6959,9	100	+1880,0	-

Манба: Бўка пахта тозалаш корхонаси молиявий ҳисобот маълумотларидан.

2.1-жадвал маълумотлари асосидаги хулоса шуни кўрсатадики, корхонада жами даромад манбалари ўтган йилга нисбатан 1880,0 млн. сўм ёки 37,0% ($1880,0 * 100 : 5079,9$) га ортган. Жами даромад таркибидаги маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан келган тушум салмоғи ўтган йилдаги 89,53% дан ҳисобот йилига келиб 94,10%га қадар кўтарилган, ўсиш мутлақ суммаларда 2001,1 млн. сўмни ташкил этган. Даромадлар таркибидаги олинган дивиденд-лар, фоизлар миқдори ҳам ўтган йилга нисбатан 5,1 млн. сўм (3,6+1,5)га ортган. Даромадни ташкил этувчи бошқа манбалардан тушум мутлақ суммаларда ҳамда нисбий кўрсаткичларда ўтган йилга нисбатан пасайиши рўй берган.

Маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотиш, бошқа корхоналар иқтисодиётига маблағларни қўйишдан олинган дивиденд, ундирилган фоизлар ҳисобига

корхона даромади ўтган йилга нисбатан 2006,2 млн. сўм (2001,1+3,6+1,5)га ортган. Аммо бошқа жараёнлардан олинган дивиденд, валюта курси ўзгаришидан кўрилган даромад, молиявий фаолият бўйича бошқа даромад, фавқулодда даромадларни ўрганилаётган давр мобайнида қисқариши туфайли даромад 126,2 млн. сўм (58,3+49,3+17+1,6)га камайган.

2.2-жадвал.

Таҳлил натижаларини қуйидаги жадвалга жойлаштирамиз

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Ўзгариши (+,-)	Шу жумладан	
				даромад ортиши	даромад камайиши
Корхона бўйича жами даромад	5079,9	6959,9	+1880,0	+2006,2	-126.2

Манба: Бўка пахта тозалаш корхонаси молиявий ҳисобот маълумотлари асосида.

Бизнинг мисолимизда асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан кўрилган даромаднинг жами корхона даромадидаги ҳиссаси йил бошидаги 5,50 % дан йил охирига келиб 3,18 % га қадар қисқарган. Улар таркибига қуйидаги даромадлар киради:

- қарздорлардан ундирилган жарима ва пенялар;
- ҳисобот йилида аниқланган ўтган йилга тегишли фойда;
- асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа мол-мулк-ларни сотишдан олинган дивидендлар;
- даъво муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромад;
- молиявий ёрдам ва бошқа даромадлар.

Пахта тозалаш корхоналари харажатлари (жадвал 2.2) ўтган йилга нисбатан 1779,6 млн. сўм ёки 35,6% га ошган. Сотилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар таннархининг жами харажатларда тутган салмоғи 56,77%дан 64,99%га қадар кўтарилган.

**Бўка пахта тозалаш корхонаси харажатларининг таркиби,
тузилиши ва динамикасининг таҳлили**

Кўрсаткичлар	Ўтган йил		Ҳисобот йили		Ўзгариши (+,-)	
	сумма, млн. сўм	жамига нисбатан, %	сумма, млн. сўм	жамига нисбатан, %	млн. сўм (гр3-гр1)	улуш и (гр4- гр2)
А	1	2	3	4	5	6
Сотилган маҳсулот (иш ва хизмат)ларнинг таннарни	2865,5	56,77	4449,0	64,99	+1583,5	+8,22
Давр харажатлари	435,9	8,64	572,5	8,36	+136,6	-0,28
Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларининг харажатлари	535,4	10,61	440,9	6,44	-94,5	-4,17
Узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар	120,3	2,38	164,0	2,39	-43,7	+0,01
Валюта курси фарқидан зарарлар	857,4	16,99	874,3	12,77	+16,9	-42,2
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	25,3	0,50	18,3	0,26	-7,0	-0,24
Фавқулодда зарарлар	-	-	-	-	-	-
Даромад (фойда) солиғи	193,4	3,83	279,8	4,08	+86,4	+0,25
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар	14,5	0,28	48,5	0,71	+34,0	0,43
Жами харажатлар	5047,7	100	6847,3	100	+1779,6	-

Манба: Бўка пахта тозалаш корхонаси маълумотлари асосида.

Валюта курсининг ўзгаришидан кўрилган зарарлар улуши эса йил бошидаги 16,99% дан ҳисобот даврига келиб 12,77% гача қисқарган бўлса-да, аммо мутлақ суммада 16,9 млн. сўмга ўсиш кузатилган. Худди шундай ҳолат давр харажатларида ҳам рўй берган.

Сотилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг ҳар сўмига тўғри келадиган харажат ўтган йил 63,1 тийин (2865,5:4547,8) ни ҳисобот даврига келиб 67,9 тийинни ташкил этган. Демак, маҳсулот таннарни ҳисобот даврида ошган. Давр харажатларининг ўсиши (131,3%) га нисбатан сотиш ҳажмининг юқори суръатда ўсиши (144,0 %) давр харажатларидан нисбий иқтисодга эришишга олиб келган. Сотилган маҳсулот тушумининг ҳар

сўмига тўғри келадиган давр харажатлари ўтган йил 9,6 тийин, ҳисобот йилида 8,7 тийинни ташкил этган.

Пахта тозалаш корхоналарининг даромад ва харажатларининг таркиби, структурасини таҳлил этиш услуби амалиётда кенг қўлланилади, унинг натижалари эса аҳамиятга моликдир.

2.4-жадвал.

**Пахта тозалаш корхоналари даромади кўрсаткичларидан
фойдаланиш динамикасининг таҳлили**

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Ўзгариши (+,-)	Ўсиш суръати, %
	А	1	2	3	4
1.	Даромад (Д)	5079,9	6959,9	+1880,0	137,0
2.	Харажат (Х)	5047,7	6847,3	+1799,6	135,6
3.	Фойда (зарар) (сатр.1-сатр.2)Р	32,2	112,6	+80,4	349,7
4.	Баланс активининг ўртача йиллик қиймати (А)	7744,5	10543,7	+2799,2	136,1
5.	Сотишдан келган тушум (N)	4547,8	6548,9	+2001,1	144,0
6.	Баланс активининг рентабеллик даражаси, % (сатр. 3: сатр.4) (f)	0,414	1,067	+0,653	257,7
7.	Сотишдан кўрилган рентабеллик даражаси, % (сатр. 3: сатр.5) (X)	0,708	1,719	+1,011	242,8
8.	Даромаднинг айланиш коэффициенти ёки даромаднинг ҳар сўмига тўғри келадиган тушум (сатр. 5: сатр.1) (y)	0,8952	0,9409	+0,0457	105,1
9.	Баланс активининг ҳар сўмига тўғри келадиган даромад –даромадлилик коэффициенти (сатр.1:сатр.4) (Z)	0,656	0,660	+0,004	100,6
10.	Харажатларнинг ҳар сўми-га тўғри келадиган даромад (сатр.1:сатр.2) (P)	1,0064	1,0164	+0,0100	101,1

Манба: Бўка пахта тозалаш корхонаси молиявий ҳисобот маълумотлари асосида.

Таҳлилни янада чуқурлаштириш мақсадида молиявий таҳлилда кенг қўлланиладиган коэффициентлар орқали 2.4-жадвал маълумотлари асосида маблағлар (харажатлар)дан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини баҳолаш

лозим. Жадвалдаги даромад ва харажатларнинг ўсиш суръатлари бир-бирига яқин. Маҳсулот ҳажмининг ўсиши 144,0 фоизни ташкил этиб, даромад харажатларникига нисбатан юқори бўлган.

Номлари юқорида келтирилган кўрсаткичларнинг ўсиш суръатларининг юқори даражада бўлиши баланс активининг рентабеллигининг 0,414 дан 1,067% гача, сотишдан кўрилган рентабелликнинг 0,708% дан 1,719% гача, баланс активининг ҳар сўмига тўғри келадиган даромад миқдорининг 65,6 тийиндан 66 тийинга қадар кўтарилишини таъминлаган. Жами даромаддаги маҳсулот сотишдан келган тушум улуши 89,52% дан 94,09% гача кўтарилган. Бунга сабаб даромад шаклланишида асосан маҳсулотни сотишдан келган тушумнинг юқори суръатда ўсишидир.

Баланс активининг рентабеллик даражасига таъсир этувчи омилларни чуқурроқ таҳлил этамиз. Баланс активининг рентабеллик даражасига қуйидаги омиллар таъсир этади:

1. Сотишдан кўрилган рентабеллик (P/N).
2. Даромаднинг ҳар сўмига келадиган тушум (N/D).
3. Баланс активининг ҳар сўмига тўғри келадиган даромад (D/A).

Омиллар формула шаклида қуйидагича ифодаланади:

$$P_A = \frac{P}{N} \cdot \frac{N}{D} \cdot \frac{D}{A}; \text{ ёки } f=xyz$$

Рентабеллик даражасига ҳар бир омилнинг таъсири юқорида келтирилган формула асосида қуйидагича аниқланади:

$$\Delta f(x) = \Delta x \cdot y^0 \cdot z^0$$

$$\Delta f(y) = x^1 \cdot \Delta y \cdot z^0$$

$$\Delta f(z) = x^1 \cdot y^1 \cdot \Delta z$$

$$\Delta f = \Delta f(x) + \Delta f(y) + \Delta f(z)$$

Қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотлар асосида (x , y , z) омилларининг баланс активининг рентабеллик даражасининг ўзгариши +0.653 га бўлган таъсирини аниқлаймиз.

$$\Delta f(x) = +1,011 \cdot 0,8952 \cdot 0,656 = +0,594\%$$

$$\Delta f(y) = 1,719 \cdot (+0,0457) \cdot 0,656 = +0,052\%$$

$$\Delta f(z) = 1,719 \cdot 0,9409 \cdot (+0,004) = +0,007\%$$

$$\text{Омиллар йиғиндиси: } +0,594 + 0,052 + 0,007 = + 0,653$$

Демак, баланс активининг рентабеллик даражасининг ортиши сотишдан кўрилган рентабеллик, даромаднинг ҳар сўмига тўғри келадиган тушум ҳамда даромадлилик коэффициентининг ортиши билан изоҳланади.

Корхонанинг харажат кўрсаткичларини таҳлил этиш ва уни баҳолаш учун 2.4-жадвалда келтирилган маълумотлардан фойдаланамиз.

2.5-жадвал.

**Пахта тозалаш корхоналари харажатлари кўрсаткичлари
динамикасининг таҳлили**

Т	Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Ўзгариши (+,-)	Ўсиш суръати, %
№	А	1	2	3	4
1	Даромад (Д)	5079,9	6959,9	+1880,0	137,0
2	Харажат (Х)	5047,7	6847,3	+1799,6	135,6
3	Солиқ тўлагунга қадар фойда (Р)	208,0	328,4	+120,4	157,8
4	Сотишдан келган тушум (N)	4547,8	6548,9	+2001,1	144,0
5	Харажатлар рентабеллик даражаси, %(сатр.3:сатр.2) (f)	4, 12	4, 79	+0,67	116,2
6	Сотишдан кўрилган рентабеллик даражаси, % (сатр.3:сатр.4) (x)	4,57	5,01	+0,44	109,6
7	Даромаднинг ҳар сўмига тўғри келадиган тушум (сатр.4:сатр.1) (y)	0,8952	0,9409	+0,0457	105,1
8	Харажатларнинг ҳар сўмига тўғри келадиган даромад (сатр.1:сатр.2) (z)	1,0064	1,0164	+0,0100	101,0

Манба: Бўка пахта тозалаш корхонаси маълумотлари асосида.

Корхонада харажат рентабеллиги 0,64% дан ҳисобот даврига келиб 1,64% га қадар кўтарилган. Даромадларнинг ўсиш суръати 137,0% харажатларникига нисбатан (135,6%) юқори бўлишини ижобий баҳолаш мумкин. Даромад ва харажат ўртасидаги бундай нисбатнинг сақланиши харажатларнинг ҳар сўмига тўғри келадиган даромад миқдорининг ўтган

йилдаги 1,0064 дан ҳисобот даврига келиб 1,0164 гача кўтарилишини, ўсиш суръати 101,0% ташкил этишини таъминлади.

Умуман рентабеллик даражасини ифодаловчи кўрсаткич – сарфланган харажат рентабеллиги (+0,67%)га таъсир этувчи омилларни қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$\frac{P}{X} = \frac{P}{N} \cdot \frac{N}{D} \cdot \frac{D}{X}; \text{ ёки } f = xyz$$

Омиллар таъсирини рентабеллик даражасига мутлақ фарқ усулини қўллаган ҳолда аниқлаймиз.

$$\Delta f(x) = \Delta x \cdot y^0 \cdot z^0 = +0,44 \cdot 0,8952 \cdot 1,064 = +0,39\%$$

$$\Delta f(y) = x^1 \cdot \Delta y \cdot z^0 = 5,01 \cdot (+0,0457) \cdot 1,0064 = +0,23\%$$

$$\Delta f(z) = x^1 \cdot y^1 \cdot \Delta z = 5,01 \cdot 0,9409 \cdot (+0,0100) = +0,05\%$$

$$\Delta f = \Delta f(x) + \Delta f(y) + \Delta f(z) = +0,39 + 0,23 + 0,05 = +0,67\%$$

2.6-жадвал.

**Пахта тозалаш корхоналарининг ресурс потенциалидан фойдаланиши
таҳлили**

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Ўзгариши (+,-)	Ўсиш суръати, %
А	1	2	3	4
Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан келган тушум, млн. сўм	4547,8	6548,9	+2001,1	144,0
Солиқ тўлагунга қадар фойда, млн. сўм (Р)	208,0	328,4	+120,4	157,8
Рўйхат бўйича ходимларнинг ўр-тача сони (R)	874	759	-115	86,8
Моддий ресурслар харажати, млн. сўм (М)	143252	166730	+23478	116,4
Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати, млн. сўм (F)	3446	4493	+1047	130,3

Манба: Бўка пахта тозалаш корхонаси маълумотлари асосида.

Хўжалик юритувчи субъектнинг даромади, харажатлари ва молиявий натижалари мавжуд ресурслар салоҳиятидан самарали фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни реализация қилишда иштирок этувчи ресурслар таркибига қуйидагилар киради:

– ишлаб чиқариш ходимлари (R);

- асосий ишлаб чиқариш фондлари (F);
- моддий ресурслар (M);
- молиявий натижалар (фойда) (P).

Ресурслардан фойдаланишни комплекс баҳолаш учун кўрсаткичларни ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари зарур.

2.5-жадвал маълумотлари асосида корхонанинг ресурслар салоҳиятидан комплекс фойдаланиш кўрсаткичларини қуйидаги формула асосида аниқлаймиз.

$$K_{jpec} = \sqrt{Prw},$$

Бунда: Prw – ресурслар кўпайтмасининг ўсиш даражаси.

$$K_j = \sqrt[4]{1,578 \cdot 0,868 \cdot 1,164 \cdot 1,303} = \sqrt[4]{2,078} = 1,200 \cdot 100\% = 120,0\%$$

Демак, корхонада ресурслардан комплекс фойдаланиш даражаси ўтган йилга нисбатан 20,0% га ошган ҳолда, маҳсулот со-тишдан келган тушум 44,0% га ўсган. Юқоридаги икки кўрсаткич иштирокида ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда “экстенсив” ва “интенсив” фойдаланиш коэффициентларини қуйидаги формула орқали аниқлаймиз.

$$K_{экт} = \frac{\Delta \text{ресурслар}\%}{\Delta \text{со-тишдан келган тушум, \%}} = \frac{20,0\%}{44} = 0,45 \cdot 100 = 45\%;$$

$$K_{инт} = 1 - 0,45 = 0,55 \cdot 100 = 55\%$$

Ресурслардан асосан кўпроқ интенсив равишда фойдаланилган.

2.2. Бўка пахта тозалаш корхонасида молиявий натижаларни таҳлили

Бўка пахта тозалаш корхонаси молиявий-хўжалик фаолияти комплекс баҳолаш тизимида фойда муҳим ўрин тутadi. Ишлаб чиқариш, инвестиция, молиявий ва ташқи иқтисодий фаолият натижалари фойдада ўз аксини топади.

Фойда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бюджетнинг даромад қисмини тўлдириш, корхонада ишловчиларнинг моддий жиҳатдан рағбатлантиришнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Фойда иқтисодий категория, унинг умумий моҳияти қуйидагича ифодаланади:

- фирма, компания, корхоналарнинг қисқа ва узоқ муддатли ривожланишининг асосий манбаи;
- кредитга лаёқатлилигини ифодаловчи кўрсаткич;
- мулк эгасининг асосий мақсади;
- рақобатбардошлик мезони;
- ижтимоий эҳтиёжларни қондириш манбаи.

Молиявий натижалар (фойда ёки зарар) га оид маълумотлар 2-сонли шакл “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” да акс этган.


Бу ҳисобот шаклининг асосий кўрсаткичларига қуйидаги-ларни киритиш мумкин:

1. Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум.
2. Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан кўрилган ялпи фойда.
3. Асосий фаолиятнинг фойдаси.
4. Молиявий фаолиятдан кўрилган даромад (зарар).
5. Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари).
6. Фавқулодда фойда (зарар).
7. Даромад (фойда) солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар).
8. Соф фойда

Даромад ва харажатларни бу тарзда таркибланиши орқали:

- ишлаб чиқариш харажатларини бошқа харажатлардан фарқлаш ва корхона ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигига баҳо бериш;
- молиявий, бошқарув юзасидан операцион харажатларни бошқа харажатлардан фарқлаш;

– корхона даромадларини юзага келиши ёки шаклланиши бўйича алоҳида таркиблаш (асосий фаолиятдан, молиявий фаолиятдан ҳамда фавқулодда ҳолатлардан) имкони туғилади.



2.1-чизма. Фойда шаклланиши.

“Маҳсулот (иш, хизмат) лар ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисида” ги Низомга мувофиқ фойданинг қуйидаги шакллари мавжуддир.

1. “Маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси.
2. Асосий фаолиятнинг фойдаси.

3. Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси.
4. Даромад (фойда) солиқни тўлагунга қадар фойда.
5. Ҳисобот даврининг соф фойдаси.

Фойда мулк шаклидан қатъий назар барча корхоналар фаолиятини баҳолаш кўрсаткичи ва рағбатлантириш манбаидир.

Шу туфайли фаолиятни объектив баҳолаш учун фойда таркиби, тузилиши, уни ташкил этувчи элементларни динамик тарзда чуқур ўрганмок лозим.

Фойда нафақат маҳсулот бирлиги учун қилинган харажатларни қисқартириш, балки маҳсулот сотиш ҳажмини белгиланган ассортиментда ортиши, талаб ва эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда юқори рентабелликка эга маҳсулот турларини кўпроқ ишлаб чиқаришга эришишга ҳам боғлиқ. Шу боис корхона фаолиятининг барча томонларини ифодаловчи кўрсаткичлар билан узвий боғланган ҳолда фойда комплекс тарзда таҳлил этилиши мақсадга мувофиқ. Фойда миқдорини таҳлил этишда горизонтал ва вертикал таҳлил методлари муҳим ўрин тутди.

2.6-жадвал.

Бўка пахта тозалаш корхонаси фойдасини горизонтал таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Ҳисобот йили – ўтган йилга нисбатан, %
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)-ларни сотишдан соф тушум	4547,8	6548,9	144,0
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) таннари	2865,5	4449	155,2
Ялпи фойда (1 сатр-2 сатр)	1682,3	2099,9	124,8
Баланс активи	7744,5	10543,7	136,1
Давр харажатлари	435,9	572,5	131,3
Соф фойда	32,1	112,6	350,8

Манба: Бўка пахта тозалаш корхонаси маълумотлари асосида.

Горизонтал таҳлил натижалари асосидаги хулосалар:

– тушумнинг ўсиш суръати (1,44) ни баланс активининг ўсиш суръати (1,36) га нисбатан юқори бўлиши баланс активи айла-нишининг тезлашишига, самарадорлигини ортишига олиб келган;

– соф фойда (3,508)нинг ялпи фойда (1,248) га нисбатан ўсиш суръатининг юқори бўлиши корхонада солиқ сиёсати рационал тарзда ташкил этилганлигини ифодалайди;

– сотишдан келган тушумнинг (1,44) ўсиш суръатининг ялпи фойда (1,248) га нисбатан юқори даражада бўлиши ишлаб чиқариш харажатларининг ортиб кетишига олиб келган;

– сотишдан келган тушумнинг давр харажатларига нисбатан юқори суръатларда ўсиши давр харажатларидан нисбий иқтисодга 55,1 млн.сўм (572,5-435,9. 1,440) олиб келган.

Вертикал таҳлил орқали фойда турлари таркибидаги структуравий ўзгаришларга баҳо берилади. Фойда солиғи тўлагунга қадар фойдага нисбатан ялпи фойда, давр харажатлари, асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан кўрилган даромад, асосий фаолият фойдаси, молиявий фаолият бўйича даромад ва харажатлар, умумхўжалик фаолиятининг фойдаси, фавқулодда фойда ва зарарларнинг тутган улушлари ўтган йилдаги маълумотлар билан таққосланади ва тегишли хулоса қилинади.

Бўка пахта тозалаш корхонаси ҳисобот даврида фойданинг барча шакллари бўйича ўтган йилга нисбатан ўсишга эришган. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан кўрилган ялпи фойда ўтган йилга нисбатан 417,6 млн. сўмга ортган. Ўсиш суръати 124,8 (2099.100: 1682,3) фоизни ташкил этган. Шу давр мобайнида асосий фаолиятдан кўрилган фойда миқдори 1307,7 млн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 132,0 фоизга қадар кўтарилган.

Корхонада фойдани янада ошириш имкониятлари мавжуд. Масалан, Давр харажатлари, асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан кўрилган даромад (сальдоси) ўтган йилга нисбатан сезиларли даражада 100,4 млн. сўмга ёки 45,1 фоизга ортган. Молиявий фаолиятдан кўрилган зарар ўтган йили 752,0 млн. сўмни ташкил этиб, ҳисобот йилига келиб 866,7 млн. сўмга қадар кўтарилган, ўсиш суръати 151,2 фоизни ташкил этган.

Солиқ тўлагунга қадар фойда миқдори ўтган йилга нисбатан 200,9 млн. сўм 83,6 фоиз)га ўсган ҳолда, фойдадан солиқ ва ажратмалар 120,4 млн. сўм ёки 57,8 фоизни ташкил этиб, соф фойдани 80,5 млн. сўмга ортишини таъминлади.

2.7 –жадвал.

**Умумий молиявий натижаларнинг таркиби, тузилиши
ва динамикасининг таҳлили**

Т №	Кўрсаткичлар	Ўтган йил		Ҳисобот йили		Ўзгариши	
		млн. сўм	солиқ тўла- гунга қадар фойдаг а нисбата н, %	млн. сўм	солиқ тўлагунга қадар фойдага нисбатан, %	млн. сўм	Ўтган йил- ги солиқ тўлагунга қадар фой- дага нисба- тан, %
	А	1	2	3	4	5	6
1	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)-ларни сотишдан кўрилган ялпи фойда	1682,3	700,7	2099,9	476,1	+417,6	+173,9
2	Давр харажатлари ва асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлар	-691,8	-288,1	792,2	-179,6	-100,4	-41,8
3	Асосий фаолият-нинг фойдаси (1сатр ± 2 сатр)	990,5	412,6	1307,7	296,5	+317,2	+132,1
4	Молиявий фаолият бўйича даромад (+) ва харажатлар (-)	-752	-313,3	-866,7	196,5	-114,7	-47,7
5	Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (3 сатр+4 сатр)	238,5	99,3	441	100	+202,5	+84,4
6	Фавқулодда фойда (+) ёки зарар (-)	+1,6	+0,7	-	-	-1,6	-0,7
7	Даромад (фойда) солиғи тўлагунга қадар фойда (5 сатр ± 6 сатр)	240,1	100	441	100	+200,9	+83,7
8	Фойдадан солиқ ва бошқа ажратмалар	208	86,6	328,4	74,5	+120,4	+50,1
9	Соф фойда (7 сатр – 8 сатр)	32,1	13,4	112,6	25,5	+80,5	+33,6

Манба: Бўка пахта тозалаш корхонаси маълумотлари асосида.

Соф фойданинг ўзгариш натижаларини

Кўрсаткичлар	Мутлак фарқ, млн. сўм	Ҳоизларда
Соф фойданинг ўтган йилдан фарқи	+80,5	100,0
Шу жумладан:		
– ялпи фойда ортиши	+417,6	+518,2
– давр харажатлари ва асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларининг сальдоси	-100,4	-124,6
– молиявий фаолият бўйича харажатларнинг даромаддан юқорилиги	-114,7	-142,2
– фойдадан солиқ ва бошқа ажратмаларнинг ортиши	-120,4	-149,4
– фавкулудда фойда ўзгариши	-1,6	-2,0

Манба: Бўка пахта тозалаш корхонаси маълумотлари асосида.

Демак, соф фойда асосан маҳсулот (товар, иш ва хизмат) лар-ни сотишдан кўрилган ялпи фойданинг ортиши эвазига эришилган. Фойдани ташкил этувчи асосий элементларнинг ортиши эса соф фойда микдорининг камайишига олиб келган.

2.3. Даромадлилик ва баланс активи, хусусий капитал ва қарз капитали, сотишдан кўрилган ва харажат рентабелликларини комплекс иқтисодий таҳлили

Даромадлилик ёки баланс активининг харажатлилиги; хусусий ва қарз капитали; соф актив, инвестиция, сотиш, харажат ва бошқа кўрсаткичлардан фойдаланишни умумлаштирувчи сифат кўрсаткичлари даромад, харажат ва молиявий натижаларга асосланган ҳолда ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади. Юқорида номлари келтирилган даромадлилик (d) кўрсаткичларини ҳисоблаш учун жами даромад суммалари, умумий актив қиймати, соф актив, хусусий капитал ва қарз капиталига нисбатан аниқланади.

$$d_{\text{актив}} = \frac{\text{Давр бўйича жами даромад}}{\text{Баланс активининг ўртача қиймати}} = \frac{\sum \text{Даромад}}{A};$$

$$d_{\text{са}} = \frac{\text{Давр бўйича жами даромад}}{\text{Соф активнинг ўртача қиймати}} = \frac{\sum \text{Даромад}}{CA};$$

$$d_{\text{хк}} = \frac{\text{Давр бўйича жами даромад}}{\text{Хусусий капиталнинг ўртача қиймати}} = \frac{\sum \text{Даромад}}{\text{ХК}};$$

$$d_{\text{кк}} = \frac{\text{Давр бўйича жами даромад}}{\text{Қарз капиталининг ўртача қиймати}} = \frac{\sum \text{Даромад}}{\text{КК}};$$

Даромадлилик кўрсаткичларини сотиш ҳажмининг ҳар сўмига, ишлаб чиқариш таннархига ҳамда даромадлиликни умумлаштирувчи кўрсаткич – корхонанинг жами даромадларининг харажатларига нисбат кўринишида ҳам аниқлаш мумкин.

$$d_{\text{даромад}} = \frac{\sum \text{Давр бўйича даромад}}{\sum \text{Давр бўйича харажат}}.$$

Жами даромад суммасининг жами харажатдан юқори бўлиши корхонанинг соф фойдасини ифодалайди.

$$P_{\text{соф фойда}} = \sum \text{Даромад} - \sum \text{Харажат}.$$

Бу кўрсаткичларни акси бўйича ҳам ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш тавсия этилади.

$$d_{\text{харажат}} = \frac{\sum \text{Давр бўйича харажат}}{\sum \text{Давр бўйича даромад}}$$

Жами харажатларнинг жами даромаддан юқори бўлиши корхона фаолиятини зарар билан яқунлаганлигини ифодалайди. Даромадлиликнинг умумий кўрсаткичлари қатори корхона даромади ва харажатлари бўйича якка коэффициентларини ҳам аниқлаш мақсадга мувофиқ.

– сотишдан кўрилган даромадни жами даромаддаги улуши:

$$d_{\text{даромад}} = \frac{\text{Давр бўйича сотишдан кўрилган даромад}}{\sum \text{Корхонанинг жами даромади}};$$

– сотилган маҳсулот таннархининг жами харажатдаги улуши:

$$d_{\text{харажат}} = \frac{\text{Сотилган маҳсулот таннархи}}{\sum \text{Корхонанинг жами харажати}};$$

– жами тўлиқ харажатнинг сотишдан келган тушумдаги улуши:

$$\begin{aligned} & \text{Сотишдан келган тушумнинг хар сўмига тўғри келадиган харажат} = \\ & = \frac{\text{Сотилган махсулот таннарни}}{\text{Сотишдан келган тушум}} \end{aligned}$$

Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал асосга ва “Асосий хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадлар” номли 2-сон БҲМС да белгиланишига, даромадлар, ҳисобот даври мобайнида, активларнинг кўпайиши ёки мажбуриятларининг қисқариши кўринишида иқтисодий фойдаларнинг кўпа-йишидир, *улар ўз капиталининг кўпайишига олиб келади*, бундан ўз капитали эгалари томонидан қўйилмалар билан боғлиқ кўпайиш-лар мустасно.

Даромадлар турли активларнинг кўпайиши кўринишида юзага келади. Булар нафақат пул маблағлари, балки реализация қилинаётган товарлар ва хизматларнинг ўрнига олинган товарлар ва хизматлар ҳам бўлиши мумкин. Агар товарлар ва хизматлар ҳақи хари-дор томонидан тўлиқ тўланмаган бўлса, бундай ҳолларда дебитор-лик қарзлари ҳам бўлиши мумкин. Даромадлар, шунингдек, мажбуриятларни камайтириш кўринишида олиниши мумкин, бу эса корхонанинг капиталига активларнинг кўпайиши каби таъсир кўрсатади. Корхонанинг даромадлари ва харажатлари ҳисоби, молиявий натижаларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш ҳисобварақлар режасининг сўнгги, тўққизинчи бўлимида, 9000-9900- сон ҳисобварақларда амалга оширилади.

Мазкур ҳисобварақлар транзит (вақтинчалик) ҳисоб варақлардир, ҳисобот ойининг охирига бориб, уларнинг барчаси (бундан 92-ҳисобварақ мустасно) якуний молиявий натижани аниқлаш 9910-ҳисобварақ билан ёпилади, унинг сальдоси кейин 8710- “Ҳисобот даврининг тақсимланган фойдаси (қопланмаган зарари)” ҳисобварақига ўтказилади. Бухгалтерия ҳисоботида акс этган қуйидаги харажат маълумотларига эътибор қаратилмоғи лозим.

Ҳисоботларда одатдаги хўжалик фаолиятининг бориши чоғида юзага келувчи харажатлардан ташқари, келгусида бирор бир иқтисодий манфаатларни ҳосил қилмайдиган харажатлардан ташкил топган зарарлар ҳам бўлиши мумкин. Уларга қуйидаги уччала мезонлардан бирига жавоб берувчи харажатлар киритилади:

$$\text{Баланс активи рентабеллиги } (P_A) = \frac{C\Phi \cdot 100\%}{A}$$

- келгусида маълум бир даромадларни келтириб чиқармайдиган;
- активлар сифатида тан олиб бўлмайдиган (келгуси даврлар даромадлари ёки олдиндан тўланган бошқа харажатларга ўхшаш);
- ташкилот балансида молмулкнинг ўсишига киритиш мумкин бўлмаган.

Даромадлилик, фойдалилик бир хил маънога эга эмас. Айрим иқтисодга оид манбаларда даромадлилик, фойдалилик мазмун жи-ҳатдан бир деб қаралади. Масалан, корхонанинг маълум даврдаги жами даромади, соф фойдасининг баланс активига нисбати бир хилда номланмайди.

$$\text{Актив даромадлиги} = \frac{\sum \text{даромад}}{A}$$

2.9-жадвалда келтирилган рентабеллик турларидан ташқари қуйидаги рентабеллик кўрсаткичларини аниқлаш, уларни ўзгаришига таъсир этувчи омилларини ҳисоблаш комплекс иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Сотишдан кўрилган рентабеллик, % =

$$= \frac{\text{Сотишдан кўрилган ялпи фойда}}{\text{Маҳсулот сотишдан соф тушум}} \times 100 \% = \frac{\Phi N}{N} \cdot 100 \%$$

Қилинган харажат қайтими, % =

$$= \frac{\text{Сотишдан кўрилган ялпи фойда}}{\text{Сотилган маҳсулот таннарихи}} \times 100\% = \frac{\Phi N}{CMT} \cdot 100\%$$

Жами даромадга нисбатан рентабеллик, % =

$$= \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Жами даромад}} \times 100\% = \frac{C\Phi}{\sum \text{Даромад}} \cdot 100\%$$

Жами харажатга нисбатан рентабеллик, % =

$$= \frac{Софойда}{Жами харажат} \times 100, \% = \frac{СФ}{\sum Харажат} \cdot 100\%$$

Маҳсулот бирлигининг рентабеллиги, % =

$$= \frac{\text{Маҳсулот} - \text{маҳсулот баҳоси таннари}}{\text{Маҳсулот бирлигини баҳоси}} \times 100 \% = \frac{\Phi}{Б} \cdot 100 \%$$

2.9-жадвалда акс этган корхона баланси активи, капитали ва мажбуриятларини даромадлилик, рентабеллик кўрсаткичларини комплекс баҳолаш тизимини динамик шаклда бир-бири билан таққослаш орқали натижавий кўрсаткичларни экстенсив ва интенсив омиллар эвазига ўзгариш натижаларини 2.9-жадвал 9.1 ва 9.2 сатрларига жойлаштирамиз.

2.9-жадвал.

Т №	Кўрсаткичлар	Коэффициентларнинг ўсиш (пасайиш) суръатлари, %
1	Баланс активи даромадлилик динамикаси коэф- фициенти	1,031
2	Ўз капитали даромадлилик динамикаси коэф- фициенти	1,026
3	Қарз капитали даромадлилик динамикаси коэф- фициенти	1,022
4	Соф актив даромадлилик коэф- фициенти	1,018
5	$K_{даром} = \sqrt[4]{\Pi\omega} = \sqrt[4]{1,031 \cdot 1,026 \cdot 1,022 \cdot 1,018} =$ $= \sqrt[4]{1,101} = 1,024 \cdot 100 = 102,4\%$	102,4%
6	Баланс активи рентабеллик динамикаси коэф- фициенти	1,021
7	Ўз капитали рентабеллик динамикаси коэф- фициенти	1,018
8	Қарз капитали рентабеллик динамикаси коэф- фициенти	1,016
9	Соф актив рентабеллик коэф- фициенти $K_{рент} = \sqrt[4]{\Pi\omega} = \sqrt[4]{1,021 \cdot 1,018 \cdot 1,016 \cdot 1,014} =$ $= \sqrt[4]{1,107} = 1,026 \cdot 100 = 102,6\%$	1,014 102,6%
9.1	$K_{экт} = \frac{\Delta K_{дар} - \partial; \%}{\Delta K_{рент}, \%} = \frac{+ 2,4}{+ 2,6} = 0,92 \cdot 100 = 92\%$	+92%
9.2	$K_{инт} = 1 - 0,92 = 0,08 \cdot 100 = 8\%$	8%

Манба: Бўка пахта тозалаш корхонаси маълумотлари асосида.

2.9.-жадвал маълумотлари асосида баланс активи капитали ва мажбуриятларининг даромадлилиги ва рентабеллигини комплекс баҳолаш натижалари шуни кўрсатадики, даромадлилик динамикасининг комплекс

кўрсаткичи ($K_{даромад} = 102,4\%$) рентабеллик динамикасининг комплекс кўрсаткичи ($K_{рент} = 102,6\%$) даражасидан биров пастроқ. Ресурслардан экстенсив фойдаланиш коэффициенти 92%, интенсив фойдаланиш (рентабеллик) коэффициенти 8% ни ташкил этган.

Демак, ресурслардан фойдаланиш рентабеллигининг 92% га қадар кўтарилиши асосан корхона даромадининг ортиши билан, фақат 8% эса соф фойданинг ўсиши билан изоҳланади.

II боб бўйича хулоса

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пахта тозалаш корхоналарининг ишлаб чиқариш ва қайта ишлашдаги ўрни сезиларли даражада десак муболаға бўлмайди албатта. Тадқиқот ишининг II боби пахта тозалаш корхоналари даромад, харажат ва молиявий натижаларни комплекс таҳлилини ташкил қилиш деб номланиб унинг таркибида: 2.1. Бўка пахта тозалаш корхонасида даромад ва харажатларни комплекс таҳлили олиб боришга қаратилган илмий тадқиқот ишлари мужассамлашган. 2.2. Бўка пахта тозалаш корхонасида молиявий натижаларни таҳлили деб номланиб унда якуний молиявий натижа, корхона молиявий натижаларни таҳлилига оид илмий тадқиқот иши ўз аксини топган. 2.3. Даромадлилик ва баланс активи, хусусий капитал ва қарз капитали, сотишдан кўрилган ва харажат рентабелликларини комплекс иқтисодий таҳлили деб номланган бўлиб уш режада ҳам корхона даромадлари таҳлили ва корхона истикболларига оид таҳлиллар келтирилган.

3-БОБ. ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИ МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Пахта тозалаш корхоналарининг тўловга қодирлиги, молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичларини баҳолаш ва уларни таҳлил этиш масалалари

Пахта тозалаш корхоналари молиявий-хўжалик фаолияти комплекс таҳлили молиявий ҳолат давлат, ташкилот ва шахслар ўртасида бўла-диган ўзаро муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ пул ҳисоб-китобларини ифодалайди. Молиявий ҳолат корхонани маблағ билан таъминланганлиги, барча турдаги маблағларни мақсадга мувофиқ йўналиши ва улардан фойдаланишнинг мақсадга муво-фиқлиги, бюджет, банк, хом ашё етказиб берувчилар, харидорлар ва бошқа ташкилотлар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоб ҳо-лати билан характерланади. Корхонанинг молиявий ҳолати барқарор, нобарқарор ва кризис даражасида бўлиши мумкин. Молиявий барқарорликка эга бўлган корхоналарда ишчи ва хизматчилар билан иш ҳақи, бюджет, банк, мол етказиб берувчилар билан бўла-диган ҳисоб-китоб ишлари ўз муддатида амалга оширилади. Мо-лиявий интизомга риоя қилмаслик, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ортиб кетишига олиб келади ва муддати узайтирилган қарзларнинг сурункали давом этиши банкротлик аломатларини вужудга келтиради.

Молиявий ҳолат барқарорлигининг таҳлили орқали маълум давр мобайнида молиявий ресурсларни корхона қандай бошқарганлигига баҳо берилади. Аввало, молиявий ресурслар ҳолати бозор ва корхона ривожланишининг талабларига мос келиши керак, чунки молиявий барқарорликнинг талаб даражасидан паст бўлиши корхонанинг тўловга қобиллигини заифлаштиради, ишлаб чиқариш ривожланиши учун маблағлар етишмаслигига олиб келади. Бунинг акси бўлган ҳолатларда эса молиявий ресурслар ортиқчалиги ишлаб чиқариш ривожланишига тўсқинлик қилади, ишлаб чиқариш захиралари ва резервларининг меъёрдан ортиб кетишига сабаб бўлади.

Демак, молиявий ресурсларнинг самарали шаклланиши, тақ-симланиши ва улардан фойдаланиши молиявий барқарорлик моҳия-тини ифодалайди.

Давлатнинг иқтисодий салоҳияти, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор молиявий ҳолати ички ва ташқи омиллар, жумладан, бугунги кунда жаҳон миқёсидаги молиявий инқирозлар ва уларнинг салбий оқибатларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкид-ланганидек “Аввало, давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлик мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капи-таллашуви ва ликвидлиги, уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин-валюта захира-ларининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада – мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатбардошлик даражасига боғлиқ”.

Жаҳон молиявий инқирозининг ҳар бир мамлакатга таъсири, ундан кўриладиган зарарнинг даражаси ва кўлами, биринчи навбатда, шу давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлик барқарор ва ишончли эканига, уларнинг ҳимоя механизм-лари қанчалик кучли эканига ҳам боғлиқ.

Мамлакатни ислоҳ қилиш, техник ва технологик янгилаш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, банкларни капиталлашув даражасини ошириш, тижорат банкларининг активлари миқдори “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги ва бошқа олдиндан кўрилган ҳимоя механизмлари туфайли Ўзбекистоннинг умумий ташқи қарзи 2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 13,3% ни, экспорт ҳажмининг 31% ни ташкил этди. Бу хал-каро мезонларга кўра, ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат деб баҳоланади.

Тўловга қодирлик корхонанинг молиявий ҳолатини ифодаловчи асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, нақд пул маблағлари орқали муддати келган тўлов мажбуриятларини бажара олишига айтилади.

Корхонанинг тўловга қодирлиги *баланс активи кўрсаткичла-рининг ликвидлиги* ҳамда *пул маблағлари ҳаракатини* ўрганиш орқали аниқланади. Ликвидлик кўрсаткичлари орқали тўловга қо-дирликни аниқлаймиз. Бунинг учун оборот активлари ликвидлиги, баланс ликвидлиги, корхона ликвидлиги, тўловга қодирлик кўрсаткичларига қисқача изоҳ берамиз. Оборот активларининг ликвид-лиги баланс ликвидлигидан фарқланади. Оборот активларининг пулга айланиши учун кетадиган вақт қанча қисқа бўлса, унинг ликвидлиги шунча юқори бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг активдаги моддаларни пулга айланиши орқали тўлов мажбуриятларини қоплай олиши, аниқроғи – тўлов мажбуриятларининг муддати активдаги моддаларнинг пулга айланиш муддатиги мос келишига *баланс ликвидлиги* деб тушунилади. Баланс ликвидлигини таҳлил этиш учун *профессор Э.Акрамов фикрига кўра*, баланснинг актив томонидаги бир даврга бориб нақд пулга айланадиган маблағларни шу даврда қайтари-ладиган мажбуриятлар билан солиштириш керак.

Корхона ликвидлиги – баланс ликвидлигига нисбатан кенг маънони англатади.

Баланс ликвидлиги тўлов мажбуриятлари фақат корхонанинг ички имкониятлари (активлар реализацияси)дан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Аммо корхона инвестиция фаолияти, ишбилармонлик фаоллигини ошириш учун ўз маблағларидан ташқари четдан қарз маблағларини ҳам жалб этиши мумкин. “Тўловга қодирлик” ва “ликвидлик” кўрсаткичлари бир-бирига яқин, аммо “ликвидлик” биров кенгроқ маънони англатади. Тўловга қодирлик баланс ликвидлиги ва корхонанинг ликвидлик даражаларига боғлиқ.

Корхонанинг жорий ва истикболдаги молиявий ҳолатини ликвидлик кўрсаткичлари ифодалайди. Таҳлил этилаётган корхона ҳисобот даврида тўловга

қодир, аммо келгуси йилларда ноқулай иқтисодий шароитга тушиб қолиши ва бунинг акси ҳам бўлиши мумкин.



3.1-чизма. Ликвидлик ва корхонанинг тўловга қодирлик кўрсаткичларини бир-бирига узвий боғлиқлиги.

Тўловга қодирлик, корхона ликвидлиги ва баланс ликвидлигини профессор Г.В. Савицкая кўп қаватли бинога ўхшатади. Бунда барча қаватлар бир-бирига тенг, аммо иккинчи қаватни биринчисиз, учинчи қаватни биринчи ва иккинчи қаватларсиз бунёд этиб бўлмайди.⁴

Демак, баланс ликвидлиги тўловга қодирлик ва корхона ликвидлигининг асоси (фундаменти)ни ташкил этади. Бошқа сўз билан айтганда ликвидлик – тўловга қодирликни сақлаш усулидир.

Корхонани тўловга қодирлигининг динамикаси ва унинг даражаси тўғрисида аниқ хулоса қилиш учун қуйидаги омиллар таъсирини ҳам ҳисобга олмоқ зарур:

- корхона фаолиятининг характери. Масалан, саноат, қурилиш характеридаги корхоналарда ишлаб чиқариш захираларини улуши юқори, пул маблағлариники эса паст;

⁴ Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности. –М.: Инфра-М., 2007, 256 стр.

- дебиторлар билан ҳисоблашиш усули;
- ишлаб чиқариш захираларининг ҳолати;
- дебиторлик қарзлар ҳолати: унинг таркибидаги муддати ўтган, даргумон қарзларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги.

Корхонанинг умумий тўловга қодирлиги мавжуд жами активлар билан мажбурият (қисқа муддатли ва узоқ муддатли) ларни қоплай олишини ифодалайди.

$$K_{\text{ум.қоп}} = \frac{\text{Оборот активлари} - \text{Келгуси давр харажатлари}}{\text{Қисқа муддатли мажбуриятлар} - \text{Келгуси давр даромадлари} - \text{Келгуси давр харажатлари ва тўловлар учун захиралар}}$$

Умумий қоплаш коэффиценти 2 дан кичик бўлмаслиги ($K_{\text{ум.қоп}} \geq 2$) керак.

Энди тўловга қодирликни пул маблағлари ҳаракатини кузатиш ва ўрганиш орқали аниқлаймиз. Жорий тўлов қобилиятини ички тезкор таҳлили орқали маҳсулот сотишдан, дебиторлик қарзларни ундириш ва бошқа пулли тушумларни назорат қилиш ҳамда корхонанинг мол етказиб берувчилар, банк ва бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажарилишини назорат қилиш учун *тўлов календари* тузилади.

Тезкор тўлов календари 1,5,10,15 кун, 1 ой муддатларга тузилиши мумкин. Корхонанинг тўловга қодирлигини бу усулда аниқлаш учун маълум даврдаги *тўлов маблағларини*, *тўлов мажбуриятлари* билан таққослаш лозим. Таққослаш натижасининг коэффиценти 1 ва ундан ($K \geq 1$) катта бўлиши тўловга қодирликни ифодалайди.

Тўловга қодирликнинг паст даражада бўлиши кўпинча пул маблағларини етишмаслиги ва муддати узайтирилган қарзларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Шу боис комплекс таҳлил давомида тўловга қодир эмаслик сабаблари атрофлича чуқур ўрганилади.

Тўловга қодир эмаслик сабаблари:

– маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларининг пасайи-ши, таннарх ортиши, фойда қисқариши натижасида ўз маблағлари манбаининг корхонани молиялаштириш учун етишмаслиги;

3.1-жадвал.

Тезкор тўлов календари (10.01. муддатига қадар)

Тўлов маблағлари	Сумма, минг. сўм.	Тўлов мажбуриятлари	Сумма, минг. сўм.
Пул маблағлари қолдиғи:		Меҳнатга ҳақ тўлаш	1050
– касса	-	Бюджетга тўловлар	320
– банкдаги ҳисоб счёти	2500	Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар	1130
Қимматбаҳо қоғозлар Пул маблағларининг келиб тушиши 10.01. гача:	50	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар	4100
– маҳсулот сотишдан	5080	Банк кредитининг фоиз тўловлари	180
– бошқа сотувлардан	185	Банк кредити	850
– молиявий фаолиятдан	170	Бошқа кредиторлик қарзлар	170
Олинган бўнақлар	500	Бошқа тўловлар	50
Кредит, қарзлар Муддати узайтирилган дебиторлик қарзларнинг ундирилиши	- 120	Жами	7850
Бошқа маблағлар	30	Тўлов маблағларининг тўлов мажбуриятларидан ортиқчалиги	785
Баланс	8635	Баланс	8635

– оборот капиталидан мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик, яъни маблағларни дебиторлик қарзлар, меъёрдан юқори захираларнинг ташкил топишига сарфланиши;

– харидорларнинг тўлов қобилиятига эга эмаслиги;

– солиқ юки, солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ тўламаганлиги учун жарима санкцияларининг юқорилиги.

Тўловга қодирлик кўрсаткичларининг ўзгариш сабабларини аниқлаш учун *пул маблағларини кирими* ва *чиқимлари* режасининг бажарилишини таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай таҳлил учун пул маблағларини ҳаракати билан боғлиқ кўрсаткичлар бизнес режадагиси билан таққосланади.

Биринчи галда операцион, инвестиция ва молиявий фаолиятларнинг бюджетдаги даромад қисмининг бажарилиши, белгиланган режадан фарқланиш сабаблари аниқланади.

Молиявий барқарорлик кенг қамровли кўрсаткич бўлиб, корхона фаолиятининг барча томонлари натижаси унда акс этади. Молиявий барқарорликка эришган корхоналар қуйидаги хусусиятларга эга бўлади:

- бозор муносабатларининг ҳархил шароитларида ҳам фаолият юрита олиши;
- корхона пул маблағларининг эркин ҳаракат қилиши;
- молиявий ресурсларнинг бозор талабларига мос келиши;
- молиявий ресурслар ҳолати ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва тўлов қобилияти, кредитга лаёқатлилигини таъминлай олиши;
- ишлаб чиқариш захиралари ва харажатларининг манбалар билан қопланиши.

Иқтисодиётга оид адабиётларда молиявий барқарорликка таал-луқли кўрсаткичлар, уларни ҳисоблаш йўллари ва таҳлили етарлича ёритилмаган.

Молиявий барқарорлик мазмун жиҳатидан турлича таърифланади. Тўлов қобилияти, баланс ликвидлиги, корхонанинг бозор фаоллиги кўрсаткичлари, молиявий барқарорлик кўрсаткичлари сифатида кўрилиши мутлақо нотўғри.

Профессор Э.Акрамов⁵ фикрича: "Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари хусусида билдирилган фикр ва мулоҳазалар диққатга сазовор. Молиявий барқарорлик даражасини аниқлаш учун захира ва харажатлар ёки моддий айланма маблағларни уларни ташкил топиш манбаларига нисбат кўринишида аниқлаш тавсия этилади. Молиявий коэффициентлар эса молиявий барқарорликни ифодаловчи молиявий ҳолатнинг қўшимча кўрсаткичларидир, дейилади мазкур қўлланмада. Молиявий коэффициентларни аниқлаш услуби ва уларнинг сони хусусида ҳам маълум бир ечимга келинмаган.

⁵ Корхонанинг молиявий ҳолати таҳлили". –Т.: "Молия", 2003

М.Қ. Пардаев, Б.И. Исроиловларнинг фикрича:⁶ Молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичларни иқтисодий моҳияти жиҳатидан бешта гуруҳга бўлиб ўрганиш тавсия этилади.

1. Ўз (хусусий) маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар.
2. Четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.
3. Ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.
4. Айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.
5. Асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлар.

А.В. Ваҳобов, А.Т. Иброҳимов, Н.Ф. Ишонқуловларнинг⁷ дарслигида молиявий барқарорликни ифодаловчи энг муҳим кўрсаткичлар деб еттита коэффициент келтирилади. Бизнинг фикримизча, молиявий барқарорликни баҳолашда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун кўрсаткичлар уч гуруҳга ажратилган ҳолда ўрганилади.

I гуруҳ. Тўловга қодирлик.

II гуруҳ. Капитал структураси

III гуруҳ. Асосий воситалар ва айланма маблағлар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Таҳлил давомида молиявий барқарорликка таъсир этувчи ички ва ташқи омилларга эътиборни қаратмоқ лозим.


Ички омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

- корхона фаолиятининг тармоқ хусусиятига мос келиши;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, кўрсатилаётган хизмат тузилиши (структураси);
- устав капиталига тўланган миқдор ҳажми;
- харажатлар миқдори, уларнинг даромадларга нисбати динамикаси;
- мол-мулк ва молиявий ресурслар ҳолати, шу жумладан, захира ва резервлар, улар таркиби ва тузилиши.

6 “Иқтисодий таҳлил”. Ўқув қўлланма. –Т.: 2001, 137-бет

7 “Молиявий ва бошқарув таҳлили”. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. –Т.: 2005, 219-220-бетлар.

Ташқи омилларга хўжаликни юритишнинг иқтисодий шарт-лари, тўловга қодирлик, харидорларнинг даромадлик даражаси, давлатнинг солиқ ва кредит бўйича сиёсати, ташқи иқтисодий алоқалар ва бошқалар киради.



3.1-чизма. Пахта тозалаш корхоналарининг барқарорлигининг турлари.

Умумий барқарорлик чегарасининг юқори ёки паст бўлиши турли хил сабабларга боғлиқ (3.1-чизмага қаранг).

– “Барқарорлик захираси” – бир неча йиллар давомида шаклланган молиявий захиралар миқдори тасодифий ва кескин ташқи кутилмаган ўзгаришларнинг олдини олишга қаратилган.

– техник-иқтисодий барқарорлик;


– инвестиция лойиҳалари самарадорлиги, техника билан қуролланиш даражаси, ишлаб чиқариш, меҳнат, бошқарувни ташкиллаштириш;

– пул оқимларининг ҳаракати туфайли фойдага эришишни ифодалайди;

– молиявий барқарорлик – даромадни харажатларга нисбатан ва ресурслар ҳолатининг юқори бўлиши, пул маблағларининг эркин ҳаракатини таъминлайди, маблағлардан самарали фойдаланиш ишлаб чиқариш узлуксизлиги, уни кенгайтириш ва янгиланиши учун замин яратади.

Молиявий барқарорлик ўз ва четдан жалб этилган капиталлар нисбати, жорий, инвестиция ва молиявий фаолият туфайли ўз капитали жамғармасини ўсиш даражаси, ҳаракатчан ва иммобилизация қилинган ресурслар нисбати, захираларнинг ўз маблағлари манбаи билан таъминланишини ифодалайди.

Демак, молиявий барқарорлик молиявий ресурслар ҳолати биринчидан, бозор талабига мос келиши, иккинчидан, ишлаб чиқаришни ривожланишини таъминлаши лозим. Молиявий барқарорлик тузилишини қуйидагича ифодалаш мумкин.



3.2-чизма. Пахта тозалаш корхоналарининг молиявий барқарорлигининг турлари.

- жорий – конкрет (аниқ) давр мобайнидаги молиявий барқарорлик;
- имкон – ташқи шароит ўзгаришини ҳисобга олган ҳолдаги молиявий барқарорлик;
- юзаки – давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган, четдан бериладиган ёрдам туфайли молиявий барқарорлик;
- реал – рақобат шароитида кенгайган такрор ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олган ҳолдаги молиявий барқарорлик.

Профессионал сўз бойлигида “молиявий барқарорлик” атамасининг ишлатилиши бир хил маънони англатмайди.

Чет эл иқтисодий адабиётлари ва жаҳон амалиётида “молиявий барқарорлик” сўзининг ифодаланишидаги фарқланиш корхона баланси таҳлилига икки хилдаги ёндашиш, яъни баланс ликвидлигини анъанавий ва замонавий функционал усуллари қўллаш орқали юзага келади.

Молиявий барқарорликни баланс ликвидлиги таҳлилининг анъанавий усули орқали аниқлаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- минимал молиявий тенглик қоидаси – ижобий ликвидликка асосланган бўлиб, бунда жорий активлар ликвидлигининг ўсиши мажбуриятларга нисбатан юқори бўлиши шарт;

– максимал қарздорлик қоидаси – анъанавий меъёрларга мувофиқ корхона қарзини ўз маблағлари билан қопланиш чегараси: узоқ ва ўрта муддатли қарзлар доимий капиталнинг ярмидан юқори бўлмаслиги лозим;

– максимал молиялаштириш қоидаси – олдинги қоидага риоя қилинган ҳолда қарз капитали барча қўйилмалар учун тўланадиган фоиз суммаларидан ортиб кетмаслиги лозим.

Функционал баланс ликвидлигини таҳлили орқали молиявий барқарорлик қуйидаги шартларга риоя қилган ҳолда аниқланади:

– молиявий мувозанатни сақланиши учун стабил ресурслар – доимий капитал ва унга тенглаштирилган маблағлар стабил жойлаш-тирилган активларни 100 % қоплаши лозим. Нисбатнинг 100 % дан паст бўлиши стабил жойлашган маблағлар стабилга эга бўлмаган ресурслар билан, яъни қисқа муддатли мажбуриятлар шаклида молиялаштирилганлигини ифодалайди.

Оборот активларига бўлган талаб қисқа муддатли молиялаштириш туфайли ҳисобот даври мобайнида ўзгариб туради ва бу ўзгаришлар қуйидагиларга олиб келади:


– оборот активларининг ортиқча таъминланишига, бунинг на-тижасида вақтинчалик эркин ҳаракатдаги оборот маблағлари вужудга келади;

– оборот активлари билан етарли даражада таъмин этилмасли-гига, бунинг натижасида четдан қарз маблағларини жалб этилишига;

Амалдаги иқтисодий фан ўз тасарруфида молиявий кўрсаткичларни таҳлил этишнинг кўплаб усуллари ва услубларини жамлаган.

Улар бозор муносабатлари шароитида таҳлил олдида қўйилган янги талаблар туфайли ўзгариб боради. Корхона молиявий барқарорлигини таҳлил этишнинг усуллари 3.4-чизмада келтирилган.

Корхона фаолияти мураккаб тизим ва тузилмалардан иборат бўлиб, шу туфайли унинг барқарорлигини баҳолаш комплекс тарзда ёндашган ҳолда молиявий барқарорлик кўрсаткичлари тизимидан фойдаланиш керак. Кўрсаткичлар икки гуруҳга бўлинади: мутлақ , нисбий.



3.4-чизма. Корхона молиявий барқарорлигини таҳлил этиш усуллари.

Молиявий барқарорликни мутлақ кўрсаткичлар иштирокида аниқлаш учун ишлаб чиқариш захиралари уни ташкил этувчи манбалари, яъни ўз айланма маблағлари, банкдан олинган узоқ муддатли ва қисқа муддатли кредит ва қарзлар суммалари билан таққосланади. Нисбий кўрсаткичлар фоиз, коэффициент, индекслар кўринишида ифодаланади.

3.2.Молиявий барқарорликнинг мутлақ кўрсаткичларини таҳлили

Молиявий барқарорликни мутлақ кўрсаткичлар иштирокида таҳлил этиш учун захира ва харажатларни уни қоплаш манбалари билан таққослаш лозим. Захира ва харажатларни қоплаш манбаларини ҳолати учун манбалар

бухгалтерия балансининг актив ва пассив қисмларидан олинади. Қоплаш манбалари таркибига ўз айланма маблағлари (ЎАМ), узоқ муддатли кредит ва қарзлар (УК), қисқа муддатли кредит ва қарзлар (ҚК) киради.

1. Ўз айланма маблағлари (ЎАМ) – Ўз капитали билан Узоқ муддатли активлар (УМА)ни таққослаш орқали ҳосил бўлади.

$$\text{ЎАМ} = \text{ЎММ} - \text{УМА}$$

бунда ЎММ – ўз маблағларини манбаи (ўз капитали).

2. Захира ва харажатларни қоплашга Ўз айланма маблағлари ва Узоқ муддатли кредит ва қарзлар (ЎУ)

$$\text{ЎУ} = \text{ЎАМ} + \text{УК}$$

Бунда: УК – узоқ муддатли кредит ва қарзлар.

3. Захира ва харажатларни қоплашга жами асосий манбалар (ЖМ)

$$\text{ЖМ} = \text{ЎУ} + \text{ҚК}$$

Бунда: ҚК – қисқа муддатли кредит ва қарзлар.

3.2-жадвал.

Молиявий барқарорликнинг типлари

Мумкин бўлган вариантлари (N)	$\Delta \text{ЎАМ}$	$\Delta \text{ЎУ}$	$\Delta \text{ЖМ}$	Молиявий барқарорлик тоифалари
1	+	+	+	Мутлақ барқарор
2	-	+	+	Нормал барқарор
3	-	-	+	Нобарқарор
4	-	-	-	Кризис ҳолат

Молиявий ҳолат танглигини пасайтириш, ундан чиқиш учун қуйидаги манбаларни жалб этиш мумкин.

- ортиқча пул маблағлари;
- четдан жалб этилган манбалар;
- банкдан олинган кредит;
- бошқа манбалар.

3.3. Пахта тозалаш корхоналари молиявий - хўжалик фаолиятида ликвидлик кўрсаткичлари, молиявий самарадорликни комплекс таҳлилини такомиллаштириш

Ҳозирги шароитда молиявий барқарорликни таҳлил этишда нисбий кўрсаткичлар энг муҳим аҳамият касб этади. Бозор муносабатлари шароитида инфляция даражасининг корхона ҳисобот маълумотларига бўлган таъсири нисбий кўрсаткичлар (коэффициент, индекс, фоиз) ларда бироз қисқаради. Молиявий барқарорликни баҳолашда кўрсаткичлар йиғиндисидан эмас, балки тизимидан фойдаланиш тавсия этилади.

Кўрсаткичлар тизимининг шартлари:

- бир-бирига қарши бўлмаслик;
- бир-бирини такрорламаслик;
- корхона фаолиятида доғ қолдирмаслик;
- корхона фаолиятининг энг муҳим томонларини акс эттирилиши.

3.3-жадвал.

Корхона молиявий барқарорлигини баҳолаш кўрсаткичларининг тизими

Т №	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш формуласи	Изоҳлаш
	А	1	2
1-гурух. Тўловга қодирлик кўрсаткичлари			
1.	Мутлақ ликвидлик коэффициенти	Пул маблағлари + қимматбаҳо қоғозлар. Қисқа муддатли мажбуриятлар	Жорий мажбуриятларни ликвидлиги юқори активлар билан қопланиши
2.	Тез ликвидлик коэффициенти	Пул маб- қисқа муд. Деб. лағлари + инвес-я + қарз Қисқа муддатли мажбуриятлар	Дебиторлик қарзларни ундирган ҳолда прог-ноздаги тўловга қодирлик
3.	Жорий ликвидлик коэффициенти	Жорий активлар Қисқа муддатли мажбуриятлар	Жорий мажбуриятларни оборот маблағлари билан қопланиши
4.	Соф оборот активлар	Оборот активлари – қисқа муддатли мажбуриятлар	Ўз капитали билан шаклланган оборот маблағлар миқдорини ифодалайди
2-гурух. Капитал структураси кўрсаткичлари			
5.			Жами активдаги ўз
	Автономия коэффициенти	Ўз капитали	маблағларининг улушини ифодалайди
6.		Баланс активи Баланс активи	Барқарор пасивлар ҳисобидан молиялаштириладиган

7.	Қарз ва ўз капитали нисбат коэффиценти	Қарз капитали	Четдан жалб этилган маблағлар билан ўз ресурсларининг нисбатини ифодалайди
		Ўз капитали	
8.	Молиялаштириш коэффиценти	Ўз капитали	Қарз капиталининг қанча қисми ўз капитали билан қопланади?
		Қарз капитали	
9.	Соф активлар	Ҳисоблашда иштирок этадиган активлар – ҳисоблашда иштирок этадиган пассивлар	Ўз капиталининг мавжуд миқдори ва улар билан таъминланиши
10.	Захираларни қоплашдаги маблағлар манбаининг ортиқча (етишмаслиги)	Маблағлар манбаининг миқдори – заҳира миқдори	Захираларнинг айрим турдаги манбалар билан қопланиши
3-гурӯҳ. Асосий воситалар ва айланма маблағлар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар			
11.	Оборот активларини ўз маблағлари билан қоплашиш коэффиценти	Ўз айланма маблағлари	Оборот активларини ўз айланма маблағлари билан қоплашишдаги улуши
		Оборот активлари	
12.	Захираларни ўз маблағлари билан қопланиш коэффиценти	Ўз айланма маблағлари	Захиранинг қопланишидаги ўз капиталининг улушини ифодалайди
		Захиралар	
13.	Ўз капиталининг ҳаракатчанлик коэффиценти	Ўз айланма маблағлари	Ўз капиталидаги ўз айланма маблағларининг улушини ифодалайди
		Ўз капитали	
14.	Оборот активларининг узоқ муддатли активларга нисбат коэффиценти	Оборот активлар	Узоқ муддатли активларнинг ҳар сўмига тўғри келадиган оборот активларини ифодалайди
		Узоқ муддатли активлар	

Корхоналарни ислоҳ қилиш ва бозор муносабатлари шароитида иқтисодий ўсишнинг зарурати туфайли хўжалик субъектларини ликвидлиги, тўловга қодирлик ва бозор фаоллигини таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Корхона баланси активдаги моддаларни пулга айланиши актив ликвидлиги, тўловга қодирлик (тўлов қобилияти) эса муддатида ва тўлиқ ҳажмда қарзларнинг қайтарилишини ифодалайди.

Тўловга қодирликнинг зарур ва муҳим шарти ликвидликдир. “Тўловга қодирлик” сўзи кенг маънони англатади, чунки у активдаги моддаларни тез пулга айланишидан ташқари, савдо, кредит ва бошқа пул муомалалари билан

$A_3 - \Pi_3 = +2057,3$ млн.сўм.

$\Pi_4 - A_4 = +357,8$ млн.сўм.

3.4-жадвал.

Баланс ликвидлигининг таҳлили

Актив	Сумма, млн.сўм		Тутган улуши, %		Пассив	Сумма, млн. сўм		Тутган улуши, %		Тўлов манбаларининг ортиқча (+), етишмаслиги (-)	
	йил боши	йил охири	йил боши	йил охири		йил боши	йил охири	йил боши	йил охири	йил боши	йил охири
A ₁	546,7	709,3	7,06	6,72	Π ₁	2199,6	3452,7	28,40	32,75	-1652,9	-2743,4
A ₂	705,0	1844,7	9,10	17,50	Π ₂	751,6	957,6	9,71	9,08	-46,6	+887,1
A ₃	3150,0	4100,6	40,68	38,89	Π ₃	1092,7	1428,1	14,11	13,54	+2057,3	+2672,5
A ₄	3342,8	3889,1	43,16	36,89	Π ₄	3700,6	4705,3	47,78	44,63	-357,8	-816,2
Баланс	7744,5	10543,7	100,0	100,0	Баланс	7744,5	10543,7	100,0	100,0	-	-

Манба: Бўка пахта тозалаш корхонаси маълумотлари асосида.

Ҳисобот даврида ликвидликнинг мутлақ кўрсаткичларида сифат жиҳатдан ўзгариш рўй берган ва йил охирига келиб меъёр даражасигача кўтарилган. Корхона балансининг актив ва пассив гуруҳлари таркибида структуравий ўзгаришлар рўй берган. Ликвидлиги юқори активлар (A₁) улуши 0,34% га қисқарган ҳолда, тифиз кредиторлик қарзлар (Π₁)нинг 4,35%га ортиши, баланс активи ва пассивидаги A₁ ва Π₁ улушларининг бири-биридан кескин фарқланишига олиб келди:

$$A_1 - \Pi_1 = 6,72 - 32,75 = -26,03\%$$

Тез пулга айланадиган активлар (A₂) улушининг 8,40%га (қисқа муддатли мажбуриятлар улуши қисқарган ҳолда) ортиши туфайли A₂ ва Π₂лар таркиби структурасини барқарорлашишига олиб келган: $A_2 - \Pi_2 = 17,50 - 9,08 = +8,42\%$. Бундай ўзгаришлар корхонанинг жорий ликвидлик ва тўловга

қодирлик кўрсаткичларини йил охирига келиб бироз кўтарилганлигини кўрсатади.

Узоқ муддатли мажбуриятлар (P_3) улушининг 0,57%га, секин сотиладиган активлар (A_3)нинг (асосан ишлаб чиқариш захиралари ва тайёр маҳсулот қолдиғи) 17,9%га пасайиши қуйидаги нисбат кўринишига олиб келди:

$$A_3 - P_3 = 38,89 - 13,54 = +25,35\%$$

Бу кўрсаткич корхонанинг ликвидлик даражаси истикболда бироз юқори бўлишини, яъни кейинги йилларда тўлов қобилияти тикланишини ифодалайди. Ўтказилган таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, ҳисобот даврида корхонанинг мутлақ ликвидлик кўрсаткичлари яхшиланган.

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, оборот активлари таркибидаги (A_1 , A_2 , A_3) секин сотиладиган активлар A_3 гуруҳи энг юқори салмоққа эга бўлиб, йил охирига келиб 3150 млн. сўмдан 4100,6 млн. сўмга қадар кўтарилиб жами оборот актив-ларидаги салмоғи 61,6 % ($4100,6 : 6654,6 \cdot 100$) ва жами баланс активида эса 38,9 % ни ташкил этган. Молиялаштириш маблағлари асосан айланма маблағларни тўлдиришга йўналтирилган.

Йил охирига келиб корхона ишлаб чиқаришга инвестицияни кўпроқ жалб этган. Айланма маблағларни молиялаштиришда ҳамон кредиторлик қарзлари салмоқли ўрин эгаллайди. Шу билан бирга қисқа муддатли кредит ва қарзлар ҳам йил охирига келиб бироз ортган. Мутлақ кўрсаткичларга нисбатан корхона ликвидлигини баҳолашда қуйидаги нисбий кўрсаткичлар аниқ ифодалайди:

- мутлақ ликвидлик коэффиценти;
- ораликни қоплаш ликвидлик коэффиценти;
- жорий ликвидлик коэффиценти.

Мутлақ ликвидлик коэффиценти тўлов қобилиятининг қатъий меъёри қисқа муддатли мажбуриятларнинг дарҳол мавжуд пул маблағлари билан қопланишидир. Бу кўрсаткич қанча юқори бўлса, қарзни узиш кафолати

шунча юқори бўлади. Оз миқдордаги маблағга эга бўлиб, пул маблағларини кирими ва чиқимини муддати ва миқдорини назорат қилиш орқали баланс ликвидлигини таъминлаган ҳолда корхона доимий равишда тўловга қодир бўлиши мумкин.

3.5-жадвал.

**Корхона ликвидлиги ва тўлов қобилиятини
баҳолашдаги молиявий коэффициентлар**

Кўрсаткичлар	Иқтисодий мазмуни	Ҳисоблаш формуласи	Тавсия этиладиган меъёр ва унинг аҳамияти
Жорий ликвидлик коэффициенти	Жами қисқа муддатли мажбуриятларнинг қанча қисми оборот активлари билан қопланишини ифодалайди	$\frac{\text{Оборот активлари}}{\text{Қисқа мажбуриятлар}} \text{ муддатли}$	1дан 2 гача, қуйи чегараси қисқа муддатли мажбуриятларни қоплашга оборот маблағлари етарли бўлиши керак. Чегаранинг 2 дан юқори бўлиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки маблағлар нораціонал жойлаш-ган, улардан самарасиз фойдаланилганликни ифодалайди
Ораликни қоплаш ликвидлик коэффициенти	Дебиторлик қарзларини ундириш ҳисобига корхонанинг қодирлик истикболини ифодалайди	$\frac{\text{Пул маблағлари} + \text{Қисқа муддатли инвестиция}}{\text{Деб. қарзлар}}$	0,5 дан 1гача, қуйи чегараси доимий равишда дебиторларни назорат қилиб туришни, айланма маблағларнинг бир қисмини мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашишга етарли бўлишини таъминлаши зарур
		$\frac{\text{Қисқа мажбуриятлар}}{\text{Пул маблағлари} + \text{Қисқа муддатли инвестициялар}}$	
Мутлақ ликвидлик коэффициенти	Қисқа муддатли мажбуриятларнинг қанча қисми мавжуд пул маблағлари ва қисқа муддатли инвестициялар билан қопланишини ифодалайди	$\frac{\text{Қисқа муддатли мажбуриятлар}}{\text{Пул маблағлари} + \text{Қисқа муддатли инвестициялар}}$	0,2 дан 0,5 гача, қуйи чегараси корхона тўлов қобилияти пасайганлигини ифодалайди

Ликвидлик кўрсаткичларини ҳисоблаш тартиби

Кўрсаткичлар	Бухгалтерия баланси маълумотлари асосида ҳисоблаш тартиби		Ҳисоблашдаги натижани тавсия этилган меъёрдан фарқланиши		Ўсиш суръати, коэффициентда
	йил боши	йил охири	йил боши	йил охири	
Жорий ликвидлик коэф-фициенти	$K_{жл} = \frac{3411,3}{2951,2} = 1,16$	$K_{жл} = \frac{5550}{4410,3} = 1,26$	Тавсия этилади-ган меъёрларга мос келади $1 < 1,16 < 2$	Тавсия этиладиган меъёрларга мос келади $1 < 1,26 < 2$	1,08
Ораликни қоплаш ликвидлик коэф-фициенти	$K_{ок} = \frac{1251,8}{2951,2} = 0,42$	$K_{ок} = \frac{2553,9}{4410,3} = 0,57$	Тавсия этилади-ган меъёрлардан кичик $0,5 > 0,42 < 1$	Тавсия этиладиган меъёрлардан кичик $0,57 < 1$	1,36
Мутлақ ликвидлик коэф-фициенти	$K_{ок} = \frac{546,7}{2951,2} = 0,18$	$K_{ок} = \frac{709,2}{4410,3} = 0,16$	Тавсия этилади-ган меъёрлардан кичик $0,18 < 0,2$	Тавсия этиладиган меъёрлардан кичик $0,18 < 0,2$	0,89
Комплекс кўрсаткични ҳисоблаш тартиби	—	—	—	—	$K_j = \sqrt[n]{\prod_{i=1}^n t_i}$
Комплекс ликвидлик кўрсаткичи	—	—	—	—	$\sqrt[3]{1,3072} = 1,092$

Ораликни қоплаш ликвидлик коэффициенти жорий қарзларнинг қанча қисми (захираларсиз) дебиторлик қарзларни тўлиқ ундирилган ҳолда қоплай олишини ифодалайди. Ушбу кўрсаткич даражаси 0,5 дан 1,0 гача ва ундан юқори бўлиши корхонанинг фаолият тури, жорий активларининг структураси ва дебиторлик қарзларнинг сифати ва бошқа молиявий

кўрсаткичларнинг нисбатига: сотиш ҳажми билан айланма маблағлар, сотиш ҳажми ва дебиторлик қарзлар, оборот активлари ва қисқа муддатли мажбуриятларга боғлиқ. Дебиторлик қарзларни юқори ҳажмда ва жами маблағларда салмоқли улушга эга бўлиши корхонанинг тўловга қодирлигининг амалда пасайишига олиб келади. Ликвидликни таҳлил этишда дебиторлик қарзларнинг миқдори ва сифатига катта эътибор қаратилади, чунки уларни тўлов манбаларига айланиши учун кетадиган вақт узок муддатни ташкил этади, инфляция туфайли яна қўшимча йўқотишларга дуч келади. Бизнинг мисолимизда ораликни қоплаш ликвидлик коэффициенти йил боши ва йил охирида тавсия этилган меъёрдан кичик.

Аммо корхона раҳбарияти дебиторлик қарзлар билан ишлаш-ни фаоллаштириб, бу шаклдаги оборот маблағларни пул шаклида муомалага киритилишини тезлаштириш орқали мол етказиб берувчилар билан бўладиган ҳисоблашишни амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Жорий ликвидлик (қоплаш) коэффициенти ёки умумий қоплаш коэффициенти:

- жорий қарзларнинг қанча қисми жорий активлар билан қопланишини;
- жорий мажбуриятларнинг ҳар сўмига неча сўмлик жорий активлар (айланма маблағлар) қиймати тўғри келишини;
- жорий мажбуриятларни жами айланма маблағлари билан қопланиш даражасини ифодалайди.

Жорий ликвидлик коэффициенти корхонани чиқарган акциялари ва облигацияларини харид этган субъект ва жисмоний шахслар учун муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Акциядан олинадиган дивидендлар миқдори, облигациялардан фоизлар жорий ликвидлик коэффициенти даражасига боғлиқ. Жорий активларни қисқа муддатли мажбуриятларга нисбатан юқори бўлиши резерв захирасини ҳосил қилади. Резерв захираси корхона зарар кўрганда қоплашга сарфланади. Бу кўрсаткичнинг қанчалик юқори бўлиши кредиторларда қарзни узишга бўлган ишончини таъминлайди.

Жорий ликвидлик коэффициентининг меъёр кўрсаткичи 1 дан 2 гача ҳисобланади. Аммо барча тармоқлар учун ягона меъёр белгиланиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бу кўрсаткич даражаси корхонанинг фаолият тури, унинг тузилиши ва баланс активининг сифати, операцион жараён давомийлиги, кредиторлик қарзларни қопланиш муддатлари ва ҳ.к. ларга боғлиқ. Жорий ликвидлик коэффициенти даражасининг ҳисоб-китобига кўра ликвидлик йил боши ва йил охирида меъёр даражасида, унинг ўсиш суръати 1,08 коэф-фициентни ташкил этган.

Аммо жорий ликвидлик коэффициентининг даражаси кўп жиҳатдан захираларни ташкил этиш манбалари узоқ муддатли мажбурият ва корхонанинг ўз капиталига боғлиқ. Унинг даражасини ошириш учун ўз капиталини манбалар билан тўлдириш, активлар ва дебиторлик қарзлар ўсишини турғун ҳолда сақлашдан иборат. Мазкур кўрсаткичдан корхона активи ликвидлигини баҳолаш ва узоқ муддатли истикболда тўловга қодирлигини аниқлашда фойдаланилади. Оборот активларининг қисқа муддатли мажбурият-лардан икки маротаба ортиқ бўлиши корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий ҳолатини барқарор ўсиши учун замин яратади. Бунинг натижасида ишчи капитали ёки “соф оборот активи” шаклланади.

3.7 –жадвал.

Соф оборот активларини аниқлаш тартиби

Т №	Кўрсаткичлар	Йил боши	Йил охири	Ўзгариши (+,-)
1	Оборот активлари	3411,3	5550,0	+2138,7
2	Қисқа муддатли мажбуриятлар	2951,2	4410,3	+1459,1
3	Соф оборот активлари (1сатр-2сатр)	460,1	1139,7	+679,6

Манба: Бўка пахта тозалаш корхонаси маълумотлари асосида.

3.7-жадвалда оборот активларнинг қисқа муддатли мажбуриятлар билан қопланишига оид ҳисоб-китоб келтирилган, унинг натижасига кўра оборот активларини қисқа муддатли мажбуриятлардан ортиқчалиги йил бошида 460,1 млн. сўмни, йил охирига келиб 1139,7 млн. сўмни ташкил

этган. Соф оборот активининг мутлақ суммада динамик тарзида ўзгариши ликвидлик даражанинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Бу кўрсаткич қисқа муддатли мажбуриятларнинг қопланишидан сўнг ҳосил бўлган ортиқча миқдорни ифодалайди. Демак, бу кўрсаткичнинг ўсиши корхона лик-видлигини барқарорлашувини ифодалайди.

Корхона молиявий барқарорлигини ифодалашдаги энг муҳим кўрсаткичлардан бири жорий активларнинг ўз оборот маблағлари билан қопланиш коэффицентидир. Мазкур коэффицент кўп ҳолатларга боғлиқ. Унинг миқдори ва динамикаси хусусида халқаро ҳисоб-таҳлил амалиётида умумий тавсиялар белгиланмаган. Бизнинг мамлакатимизда бу кўрсаткичнинг нормативи 0,1.

Демак, корхона баланси тузилиши қониқарли, молиявий барқарорликка эришиш учун жорий активларни 10 фоизини ўз оборот маблағлари ташкил этиши зарур.

3.8-жадвал.

**Ўз оборот маблағларини мавжуд суммаси ва улар билан
корхонанинг таъминланиши**

Кўрсаткичлар	Йил боши	Йил охири	Ўзгариши, (+, -)	Ўсиш суръати, %
Ўз капитали	3700,6	4705,3	+1004,7	127,1
Узоқ муддатли активлар	3342,8	3889,1	+546,3	+116,3
Оборот (жорий) активлари	4401,7	6654,6	+2252,9	+151,1
Ўз оборот маблағларининг мавжуд суммаси	357,8	816,2	+458,4	+228,1
Ўз оборот маблағлари билан таъминланиш коэффиценти	0,081	0,122	+0,041	+150,6

Манба: Бўка пахта тозалаш корхонаси маълумотлари асосида.

Жорий активларни ўз оборот маблағлари билан таъмин-ланиши йил бошида тавсия этилган меъёрдан кичик ($0,081 < 0,1$), йил охирига келиб вазият бироз ўзгарган ($0,122 > 0,1$). Ўз оборот маблағлари билан таъминланиш коэффицентининг йил бошига нисбатан ўзгаришига таъсир этувчи омилларни занжирли боғланиш усули орқали аниқлаймиз.

$$\text{Ўз оборот маблағлари билан таъминланиш коэффициенти} = \frac{\text{Ўз капитали узок муддатли активла}}{\text{Оборот (жорий) активлар}} = \frac{X \ Y}{Z}$$

$$\Delta f(x) = \frac{x_1 - y_0}{z_0} - \frac{x_0 - y_0}{z_0};$$

$$\Delta f(y) = \frac{x_1 - y_1}{z_0} - \frac{x_1 - y_0}{z_0};$$

$$\Delta f(z) = \frac{x_1 - y_1}{z_1} - \frac{x_1 - y_1}{z_0};$$

$$\Delta f(x) = \frac{4705,3 - 3342,8}{4401,7} - \frac{3700,6 - 3342,8}{4401,7} = +0,2283;$$

$$\Delta f(y) = \frac{4705,3 - 3889,1}{4401,7} - \frac{4705,3 - 3342,8}{4401,7} = -0,1241;$$

$$\Delta f(z) = \frac{4705,3 - 3889,1}{6654,6} - \frac{4705,3 - 3889,1}{4401,7} = -0,0628$$

$$\Delta f = \Delta f(x) + \Delta f(y) + \Delta f(z) = +0,2283 - 0,1241 - 0,0628 = +0,0414$$

3.10-жадвал.

**Ўз оборот маблағлари билан таъминланиш
коэффициентининг ўзгаришига омиллар таъсири**

Кўрсаткичлар	Йил боши	Йил охири	Ўзгариши, (+, -)
Ўз капитали	3700,6	4705,3	+1004,7
Узоқ муддатли активлар	3342,8	3889,1	+546,3
Оборот (жорий) активлар	4401,7	6654,6	+2252,9
Ўз оборот маблағларининг мав-жуд суммаси	357,8	816,2	+458,4
Ўз оборот маблағлари билан таъминланиш коэффициенти омиллар таъсири, жами Шу жумладан:	X	X	+0,041
а) ўз капитали	X	X	+0,2283
б) узоқ муддатли активлар	X	X	-0,1241
в) оборот (жорий) активлар	X	X	-0,0628

Манба: Бўка пахта тозалаш корхонаси маълумотлари асосида.

Корхонани ўз оборот маблағлари билан таъминланиш коэффициенти ўзгаришига ўз капиталининг ортиши ижобий таъсир этган (+0,2283).

Аммо узоқ муддатли активлар, оборот (жорий) активларининг йил бошига нисбатан ортиши туфайли таъминланиш коэффиценти (-0,1241 – 0,0628) га пасайган.

III боб бўйича хулоса

Бугунги кунда иқтисодиётни модернизациялаш жараёни жадал суръатлар билан бормоқда. Тадқиқот ишимизнинг III боб. пахта тозалаш корхоналари молиявий - хўжалик фаолиятининг комплекс таҳлилини такомиллаштиришга бағишланган. 3.1. Пахта тозалаш корхоналари тўловга қодирлиги, молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичларини баҳолаш ва уларни таҳлил этиш масалалари ёритилган бўлиб унда тўловга барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар ва бир қатор таҳлилий илмий тадқиқотлар олиб борилган. 3.2. Молиявий барқарорликнинг мутлақ кўрсаткичларини таҳлилини ўзида мужассамлаштирган тадқиқотлар илгари сурилган. 3.3. Пахта тозалаш корхоналари молиявий - хўжалик фаолиятида ликвидлик кўрсаткичлари, молиявий самарадорликни комплекс таҳлилини такомиллаштириш бўйича илмий қарашлари олиб борилган.

ХУЛОСА

Илмий тадқиқот жараёнида олиб борилган илмий изланишлар қуйидаги умумий хулосалар ва таклифларни илгари суриш имконини беради:

1. Пахта тозалаш корхоналари молиявий хўжалик фаолияти комплекс таҳлил асосида муаллиф молиявий ҳолатни корхонанинг ўз молиявий-хўжалик фаолиятини доимо ўзгариб турувчи ички ва ташқи муҳит омиллари шароитида даромадларнинг харажатлардан доимо юқори бўлишини таъминлайдиган, унинг ўз мажбуриятлари бўйича жавоб беришини кафолатлайдиган ва муайян таваккалчилик мавжуд бўлганда инвестициявий жозибадорлигини шакллантирадиган даражада амалга ошириш, мослашувчан капитал тузилмасига эга бўлиш қобилияти, шунингдек, корхонанинг ўзига юклатилган иқтисодий ва ижтимоий функцияларни бажара олиши қобилияти сифатида белгилайди.

2. Пахта тозалаш корхоналари молиявий хўжалик фаолияти комплекс таҳлилида амалга оширилаётган операцияларнинг ҳисоб-китоб ва ҳисоботда ишончли акс эттирилишини, уларнинг қонунчиликка ва корхонанинг ички ҳужжатларига мослигини, активларнинг сақланганлиги ва мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун ваколатли субъектлар томонидан олиб бориладиган молиявий ҳолатни кузатиш ва текшириш тизими деб таъриф бердик. Ўз навбатида, молиявий ҳолатнинг таҳлили муайян субъектлар—иқтисодий субъектнинг мулкдорлари, раҳбарлари корхонанинг молиявий барқарорлигини жорий ва стратегик бошқариш мақсадида амалга оширилади.

3. Пахта тозалаш корхоналари молиявий хўжалик фаолияти комплекс таҳлили шароитида амал қилиши истеъмомчилар манфаатларини капитал ва ресурслардан самарали фойдаланишга мувофиқлаштиради, муайян вақт оралиғида даромадларнинг корхонани ўстириш истикболларига уйғунлигини таъминлайди, рақобат курашида афзалликларни қўлга киритишга ва ўзига хос вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган комплекс тадбирларни амалга ошириш учун шароит яратади. Ҳозирги пайтда назоратдан унинг актив шакллариغا ўтиш, хусусан, ички тизимига ўтиш бўлиб, прогнозлаш, таҳлилий амаллар ва ташкилий ҳамда иқтисодий ечимларни асослашдан фойдаланишни тақозо этади ва асосланган бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон беради.

4. Олиб борилган тадқиқот шундан далолат берадики, таҳлил натижалари текширувларини ўтказишда молиявий интизомнинг бузилиши ва ҳисоботнинг меъёрий ҳужжатларга тўғри келмаслиги билан бирга, турли молиявий кўрсаткичларнинг ўзгаришига олиб келган сабабларни аниқлаш масаласи ўз ечимини кутмоқда.

5. Диссертация тадқиқоти натижаларига кўра пахта тозалаш корхоналари молиявий хўжалик фаолияти комплекс баҳолаш методикалари, шунингдек банкротлик тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларда берилган услублар ҳақиқий молиявий ҳолатни етарлича тўлиқ акс эттирмайди. Шундан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, шу тарзда олинган ахборот молиявий ҳолатнинг ўзгариши йўналишини очиб беради, аммо унинг сабабини тушунтирмайди.

Шу муносабат билан муаллиф томонидан корхона молиявий барқарорлигини белгилайдиган асосий молиявий кўрсаткичлар прогнозларини ҳисоблаб чиқариш таклиф этилди. Олинган прогноз маълумотларини ва ҳақиқий кўрсаткичларни қиёслаш нисбий кўрсаткичлардаги оғишларни аниқлаш имкониятини яратади.

6. Тадқиқотлар натижасида хулоса қилинганидек, назорат методикаси қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар талабларининг бажарилмаслигини аниқлашга қаратилган; назорат амаллари корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисида тезкор ахборотни олишни кўзда тутмайди. Шундай қилиб, амалдаги назорат методикаси тўлов қобилиятининг, молиявий барқарорликнинг ва Пахта тозалаш корхоналари молиявий хўжалик фаолияти ҳолатининг ўзгариши сабабларини кўрсатмайди.

7. Диссертация тадқиқотига молиявий ҳолатни оператив бошқаришни жорий этиш бўйича таклифларнинг киритилиши тезкор ахборотни шакллантириш ва биринчи навбатда, янги регистрларни ишлаб чиқиш бўйича ҳисоб ахборотини қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқарди. Шу муносабат билан диссертация ишида ҳам ички, ҳам ташқи ахборотни йиғиш учун турли хил таҳлилий ҳисоб

регистрлари ишлаб чиқилди. Бу шаклларнинг айримлари намунавий ҳужжатларнинг ўзгарган турлари, бошқалари эса муаллифлик ишланмаларидир.

8. Пахта тозалаш корхоналари молиявий хўжалик фаолияти молиявий барқарорлиги фақат маблағлар манбаларининг таркиби билан эмас, балки уларнинг молиявий ҳисобот активларига тўғри киритилганлиги билан ҳам белгиланади. Маблағлари тузилмасини баҳолаш билан бирга, корхона қарз маблағларининг тузилмасини ҳам ўрганиши керак. Шу мақсадда аудит жараёнида жалб қилинган капитални таҳлил қилиш усулларидадан фойдаланиш таклиф этилди.

9. Корхона молиявий аҳволини унинг молиявий барқарорлиги даражаси бўйича гуруҳлашга имкон берадиган мутлақ кўрсаткичларни ўрганиш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун тадқиқотимиз натижасида молиявий барқарорликни ички аудитини ўтказишда таҳлил амалларидадан фойдаланиш таклиф этилди.

10. Хўжалик субъектлари тўлов қобилияти унинг молиявий барқарорлигини кўрсатувчи муҳим мезонлардан бири ҳисобланади ва шу сабабли бозор иқтисодиёти шароитида унга катта эътибор берилади.

Таҳлил жараёнида тўлов қобилиятини аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланишни таклиф этамиз: 1) мутлақ ликвидлилик коэффиценти; 2) оралик қоплаш коэффиценти; 3) умумий қоплаш коэффиценти. Шундай қилиб, молиявий ҳолатнинг методикасини такомиллаштириш бўйича киритилган таклифлар янги замонавий корхонани бошқариш тизимидаги ролини ошириш имконини беради.

Умумий хулоса қилганимизда мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида олиб борилаётган изчил ўзгаришлар корхоналар ривожланиши, уларда янги иш ўринларини барпо этилиши, ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилиши якуний натижа ҳалқимиз фаровонлигини таъминлашда ўзига хос ўрни бор албатта.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

I.1. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2003.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни - Тошкент 1996 й. 30 август.

3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. 1997 йил 24 апрель.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й. 26 май. //Солиқлар ва божхона хабарлари, 2000 йил 13 июнь.

I.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари

5. ЎЗР. Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. 2005 йил 6 октябр.

6. ЎЗР. Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва унинг ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги фармони. 2005 йил 15 июн.

7. ЎЗР. Президентининг “Бозор ислохатларин чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йқналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. 2005 йил 14 июн.

I.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги «Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни товар-моддий ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 54-сонли қарори. (2003 йил 15 октябрдаги 444-сонли қарор асосидаги қзгартиришлар билан).

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги 365-сонли қарори.-Т.: «Халқ сқзи», 2000 й, 26 сентябрь.

I.4. Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг меъёрий ҳужжатлари.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг тқлдирилиши бқйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида” ги 140-сонли буйруғи.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари» 1998-2005 йиллар.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари» 1998-2005 йиллар.

II. Президент И.А. Каримов асарлари ва маърузалари

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йқналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. «Халқ сқзи» газетаси № 29 2006 йил 11 февраль

14. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Т.: Ўзбекистон, 2005.

15. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. - Т.: Ўзбекистон, 2005.

16. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётининг янги босқичида. -Т.: Ўзбекистон, 2005.

17. Каримов И.А. Биз танлаган йқл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йқли. -Т.: Ўзбекистон, 2003.

18. Каримов И.А. «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» номли Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси, 2014 й., 18 январ.

III. Илмий монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар

19. Жуманиёзов К. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳқжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммолари. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашриёти, 2004.

20. Завалишина И.А. Бухучет по новому. –Т.: Мир экономики и права, 2004. 432 стр.

21. Камышанов П.И. «Практическое пособие по аудиту» М.: «ИНФРА-М» 1998 522с.

22. Камышанов П.И. Бухгалтерская финансовая отчетность: Составление и анализ. Учебное пособие. - М.:ОМЕГА, 2005. - 246 стр.

23. Камышанов П.И. Современная бухгалтерия и аудит на предприятиях и в банках-М.: 2000.-380 с.

24. Кармайл Д.Р. Бенис М. «Стандарты и нормы аудита» Пер. с англ. – М,: Аудит, ЮНИТИ 1995 527 с.

25. Кирушева Г.А. «Методы проведения адиторской проверки для российскийского аудита» - М, «ДИС» 1995 г 260 с

26. Ковалев В.В. Финансовая отчетность. Анализ финансовой отчетности. Учебное пособие. –М.: Проспект, 2005. 432 стр.

27. Ковалева О.В., Константинов Ю.П. «Аудит. Организация аудиторской деятельности. Методика проведения аудиторской проверки» М.: «ПРИОР» 1999 272с.

28.Кожин В.Я. Бухгалтерский учет 10000 проводок. –М.: КНОРУС, 2006. 688 стр.

29. Кутер М.И. Бухгалтерская (финансовая) отчетность. –М.: Финансы и статистика, 2005. 232 стр.

30. Мазуренко А.А. Зарубежный бухгалтерский учет и аудит. Учебное пособие. - М.: КНОРУС, 2005. - 240 стр.

31. Макальская М.Л. Бухгалтерский учет. Учебник. –М.: Высшее образование, 2005. 443 стр.

32. Маматов З.Т. ва бошқ. Аудит: Ққув ққланма.-Т.: Тошкент Ислон Университети. 2002.-280 б.

33. Маренков Н.Л. Международные стандарты финансовой отчетности. М.: "ФЕНИКС", 2005. - 288 стр.

34. Мезенцева Т.М. «Методология и организация аудита в странах СНГ». – М., «Полоцк» 1995 255 с.

35. Михалевич А.П. Бухгалтерский учет в зарубежных странах: международные стандарты. -Минск: ООО "Мисанта", ООО "ФУАинформ", 2003.

36. Муравицкая Н.К. Бухгалтерский учет: Финансовый учет. Управленческий учет. Финансовая отчетность. Учебное пособие. –М.: КНОРУС, 2005. 528 стр.

37. Мусаев Ҳ.Н. Аудит.-Т.: Молия. 2003.-220 б.

38. Шевченко И.Г. Практическое руководство по управленческому учету и анализу. Учебное пособие. –М.: Управление персоналом, 2005. 192 стр.

39. Щвецкая В.М. Бухгалтерский учет. Учебник. –М.: НОРМА, 2005. 394 стр.

IV. Афторефератлар

40. Абдувохидов Ф.Т. Кичик тадбиркорлик субъектларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш. Ном. дисс. –Т.: ҚЗР Банк-молия академияси, 2005.

41. Илхомов Ш.И. Инвестиция ҳисобида бухгалтерия ҳисоби ва аудити. Ном. дисс. –Т.: ҚЗР Банк-молия академияси, 2005.

42. Худойбердиев А. Х. Инвестиция фаолиятини бошқариш тизимида молиявий ҳисобот ва унинг таҳлилини такомиллаштириш. Ном. дисс. –Т.: ҚЗР Банк-молия академияси, 2005.

V. Хорижий илмий адабиётлар

43. Introduction to Project Analysis. A training manual for Central Asia in English and Russian. Vol.5 – Readings in Project Analysis. 342p.

44.Irvin, George. Modern Cost-Benefit methods. An introduction to financial, economic and social appraisal of development projects. London, UK: Macmillan. 678p.

45.Ferris. Financial Accounting and Corporate Reporting: A casebook fourth edition, 1999, 326p.

46.James McMaster. Urban Financial Management. A Training Manual. The Economic Development Institute of the World Bank, Washington, D.C.1994. 464p.

47. Mishan, E.J. Cost-Benefit Analysis (3rd edition). London, UK: Allen & Unwin. 344p.

48.Mveller, Gernon and Meek. Accounting: An International Perspective. Third edition 1993, 586p.

VI. Илмий мақола ва конференция тезислари

49. «Аудит интеллектуальной собственности», «Хозяйство и право» №12. 1994 г.

50. «Интеллектуальный активы предприятия», «Экономика и жизнь» №32. 1995 г.

51.Бакаев.А.С. Бухгалтерское сообщество и программа реформирования бухгалтерского учета // бухучет, 1998. 8.-с.4.

52.Бакаев А.С. Годовая бухгалтерская отчетность организации // бухучет, 1997, 1.-с.37

53.Пўлатов М. Номоддий активларни баҳолаш услубияти ва уни такомиллаштириш. Бозор, пул, кредит. №4, 2005. 48-50 бетлар.

54.Пўлатов М. Номоддий активларни баҳолашнинг роялти усули. Бозор, пул, кредит. №6, 2005. 46-48 бетлар.

55.Соколов Я.В., Бычкова С.М. Достоверность и добросовестность составления бухгалтерский отчетности. // Бухучет, 1999, №12-с.87.

56.Соловьева О.В. Концептуальные основы финансовой отчетности. //Бухучет, 1998, №7.-с.13.

57.Хасанов Б.А. Интеллектуал мулк объектларини бошқариш ҳисоби.-Т.:
// «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали, 2003 й. №12.

58. Сотиволдиев А.С.,Сотиволдиева Д. Мустақиллик йилларида
Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби тизимининг ривожланиш
босқичлари ва истиқболлари.-Т.:ТДИУ халқаро конференция материаллари.
2011 й.

VII. Интернет сайтлари

59.<http://www.aicpa.org/index.htm>

60.<http://www. uza. us.apb.>

ИЛОВАЛАР

1-илова

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг
2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига
1-сонли илова, ЎзР АВ томонидан 2003 й.
24 январда рўйхатга олинган N 1209

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ - 1-сонли шакл
2012 йиллик 01.01.2012-01.01.2013 йилгача

	БХУТ бўйича 1- шакл	Кодлар Коды 17110
Корхона, ташкилот	КТУТ бўйича	
<u>«Бўка пахта тозалаш» ОАЖ</u>		
Тармоқ <u>Ишлаб</u> <u>чиқариш</u>	ХХТУТ бўйича	17111
Ташкилий-ҳуқуқий шакли	ТҲШТ бўйича	
Мулкчилик шакли	МШТ бўйича	144
<u>Акциядорлик жамияти</u>		
Вазирлик, идора ва бошқалар <u>«Ўзпахтасаноат» уюшмаси</u>	ДБИБТ бўйича	08394
Солиқ тўловчининг идентификацион раками	СТИР	200434103
Худуд	МҲОБТ	2285
<u>Тошкент вилояти</u>		
Манзил	Жўнатилган сана	
Адрес		
Ўлчов бирлиги, минг сўм	Қабул қилинган сана	

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
1	2	3	4
Актив			
I. Узоқ муддатли активлар			
Асосий воситалар:			
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300)	010	14 372 685	14 954 685
Эскириш суммаси (0200)	011	3 975 172	4 678 415
қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 010 - 011)	012	10 397 513	10 276 270
Номоддий активлар:			
Бошланғич қиймати (0400)	020		
Амортизация суммаси (0500)	021		
Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 020 - 021)	022		
Узоқ муддатли инвестициялар, жами (сатр.040+050+060+070+080), шу жумладан:	030	111 662	954 769
Қимматли қоғозлар (0610)	040	111 662	230 156
Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620)	050		
Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630)	060		
Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640)	070		
Инвестиции в предприятие с иностранным капиталом (0640)			
Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690)	080		
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (0700)	090	7 706	31 329
Капитал қўйилмалар (0800)	100	288 487	604 080
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (0910, 0920, 0930, 0940)	110		
Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар (0950, 0960, 0990)	120		
I бўлим бўйича жами (сатр. 012+022+030+090+100+110+120)	130	10 805 368	11 866 448
II. Жорий активлар			
Товар-моддий захиралари, жами (сатр.150+160+170+180), шу жумладан:	140	19 812 163	25 431 116
Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	150	15 347 358	22 200 650
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700)	160		
Тайёр маҳсулот (2800)	170	4 464 805	3 230 650
Товарлар (2900 дан 2980 нинг айирмаси)	180		
Келгуси давр харажатлари (3100)	190	319 654	466 917
Кечиктирилган харажатлар (3200)	200		
Дебиторлар, жами (сатр.220+240+250+260+270+280+290+300+310)	210	2 381 287	4 246 721
шундан: муддати ўтган*	211		
Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси)	220		
Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110)	230		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи (4120)	240	72 493	30 860
Ходимларга берилган бўнақлар (4200)	250		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300)	260	331 197	83 523
Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (4400)	270	133 451	101 182
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (4500)	280		29 386

Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600)	290		
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	300	1 335 372	3 797 114
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310	508 774	204 656
Пул маблағлари, жами (сатр.330+340+350+360), шу жумладан:	320	114 323	294 029
Кассадаги пул маблағлари (5000)	330		
Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари (5100)	340		
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200)	350		
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700)	360	114 323	294 029
Қисқа муддатли инвестициялар (5800)	370		
Бошқа жорий активлар (5900)	380	23 712 387	24 977 446
II бўлим бўйича жами (сатр.140+190+200+210+320+370+380)	390	46 339 814	55 416 229
Баланс активи бўйича жами (сатр.130+390)	400	57 145 182	67 282 676

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	ҳисобот даври бошига	ҳисобот даври охирига
1	2	3	4
Пассив			
I. Ўз маблағлари манбалари			
Устав капитали (8300)	410	49 211	49 211
Қўшилган капитал (8400)	420	110 420	110 420
Резерв капитали (8500)	430	9 727 562	9 715 116
Сотиб олинган хусусий акциялар (8600)	440		
Тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар) (8700)	450	115 198	321 578
Мақсадли тушумлар (8800)	460	10 999 728	12 265 338
Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар (8900)	470	482 026	497 832
I бўлим бўйича жами (сатр.410+420+430-440+450+460+470)	480	21 484 145	22 959 495
II. Мажбуриятлар			
Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами (сатр.500+520+530+540+550+560+570+580+590)	490	546 009	
шу жумладан: узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (сатр.500+520+540+560+590)	491		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли қарз (7000)	500		
Ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарз (7110)	510		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга узоқ муддатли қарз (7120)	520		
Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар (7210, 7220, 7230)	530		
Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7240)	540		
Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7250, 7290)	550		
Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар (7300)	560		
Узоқ муддатли банк кредитлари (7810)	570	546 009	

Узоқ муддатли қарзлар (7820, 7830, 7840)	580		
Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлар (7900)	590		
Жорий мажбуриятлар, жами (сатр.610+630+640+650+660+670+680+690+700+ +710+720+730+740+750+760)	600	35 115 028	44 323 181
шу жумладан: жорий кредиторлик қарзлари (сатр.610+630+650+670+680+690+700+710+720+760)	601	17 693 360	18 984 935
шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари*	602		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000)	610	1 740 253	2 384 234
Ажратилган бўлинмаларга қарз (6110)	620	17 421 668	25 338 246
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз (6120)	630	8 490	53 208
Кечиктирилган даромадлар (6210, 6220, 6230)	640		
Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240)	650	13 743 083	13 113 742
Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар (6250, 6290)	660		
Прочие отсроченные обязательства (6250, 6290)			
Олинган бўнақлар (6300)	670		
Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400)	680	283 021	890 308
Суғурталар бўйича қарз (6510)	690		
Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520)	700	869 721	1 332 469
Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600)	710	100 497	188 233
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700)	720	159 813	198 123
Қисқа муддатли банк кредитлари (6810)	730		
Қисқа муддатли қарзлар (6820, 6830, 6840)	740		
Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950)	750		
Бошқа кредиторлик қарзлар (6950 дан ташқари 6900)	760	788 482	824 618
II бўлим бўйича жами (сатр.490+600)	770	35 661 037	44 323 181
Баланс пассиви бўйича жами (сатр.480+770)	780	57 145 182	67 282 676

2-илова

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг
2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига
2-сонли илова, ЎзР АВ томонидан 2003 й.
24 январда рўйхатга олинган N 1209

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ - 2-сонли шакл
2012 йил 1 январдан 2013 йил 1 январгача

	Кодлар
БХУТ бўйича 2-шакл	171110
Корхона, ташкилот	КТУТ бўйича
<u>«Бўка пахта тозалаш корхонаси» ОАЖ</u>	
Тармоқ	ХХТУТ бўйича
<u>Ишлаб чиқариш</u>	17111
Ташкилий-ҳуқуқий шакли	ТХШТ бўйича
Мулкчилик шакли	МШТ бўйича
<u>Акциядорлик жамияти</u>	144
Вазирлик, идора ва бошқалар	ДБИБТ бўйича
<u>«Ўзпахтасаноат» уюшмаси</u>	08394
	СТИР
	200 434 103
Худуд	МҲОБТ
Манзил Тошкент вилояти	Жўнатилган сана
Ўлчов бирлиги, минг сўм	Қабул қилинган сана
	Тақдим қилиш муддати

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди Код строки	Ўтган йилнинг шу даврида		Хисобот даврида	
		даромадлар (фойда)	харажатлар (зарарлар)	даромадлар (фойда)	харажатлар (зарарлар)
1	2	3	4	5	6
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	010	21 829 698	x	31862172	x
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннари	020	x	19176560	x	28095721
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) (сатр.010-020)	030	2653138		3766451	
Давр харажатлари, жами (сатр.050+060+070+080), шу жумладан:	040	x	2486599	x	3180939
Сотиш харажатлари	050	x	114299	x	128145
Маъмурий харажатлар	060	x	248600	x	272217
Бошқа операцион харажатлар	070	x	2123700	x	2780577
Хисобот даврининг солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегириладиган харажатлари	080	x		x	
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	090	216788	x	15250	x
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 030-040+090)	100				
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (сатр.120+130+140+150+160), шу жумладан:	110	383327	x	600762	x
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	120		x		x
Фоизлар шаклидаги даромадлар	130		x		x
Молиявий ижарадан даромадлар	140		x		x
Валюта курси фарқидан даромадлар	150		x		x
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	160	373501	x	682959	x
Молиявий фаолият бўйича харажатлар (сатр.180+190+200+210), шу жумладан:	170	x	572001	x	833273
Фоизлар шаклидаги харажатлар	180	x	127553	x	169147
Молиявий ижара бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар	190	x		x	
Валюта курси фарқидан зарарлар	200	x		x	

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
		даромадлар (фойда)	харажатлар (зарарлар)	даромадлар (фойда)	харажатлар (зарарлар)
1	2	3	4	5	6
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	210	x	444448	x	664126
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр.100+110-170)	220	184827		450448	
Фавкулуддаги фойда ва зарарлар	230				
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар) (сатр.220+/-230)	240	184827		450448	
Фойда солиғи	250	x	49501	x	100907
Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	260	x	10826	x	27963
ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр.240-250-260)	270	124500		321578	

БЮДЖЕТГА ТЎЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича тўланади	Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича ҳисоблангандан ҳақиқатда тўлангани
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	280	100907	300344
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	290	242503	238217
шу жумладан: шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ажратмалар	291	19908	15634
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	300	27963	
Кўшилган қиймат солиғи	310	1282456	1375196
Акциз солиғи	320		
Ер ости бойликларида фойдаланганлик учун солиқ	330		
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	340	49780	16009
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	350	380312	132000
Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	360	234228	244675

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича тўланади	Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича ҳисоблангандан ҳақиқатда тўлангани
Ягона солиқ тўлови	370		
Ягона ер солиғи	380		
Катъий белгиланган солиқ	390		
Бошқа солиқлар	400	10368	1957
Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар	410	446213	44025
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар	420	509957	557787
Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий тўловлар	430	159362	192565
Ягона ижтимоий тўлов	440	485946	278512
Импорт бўйича божхона божи	450	111544	85190
Маҳаллий бюджетга йиғимлар	460		
Бюджетга тўловларнинг кечиктирилганлиги учун молиявий жазолар	470	85622	85622
Жами бюджетга тўловлар суммаси (280 дан 470 сатргача 291 сатрдан ташқари)	480	4127161	3652099
Рахбар _____			
Бош бухгалтер _____			